Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

№ 204 (20.172) • 1988 йил 6 сентябрь • сешанба

Баҳоси 3 тийин.

Ҳар бир коммунист, ҳар бир партия ташкилоти КПССнинг ички ва ташқи сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда, социалистик янгиланиш идеологиясини шакллантириш ва омма орасида сиёсий-тарбиявий, ташкилотчилик ишларини олиб бориш ҳамда кадрларни танлаш, жой-жойига қўйишда фаол иштирок этиши лозим. Демократия ва ошкоралик партиянинг барча бўғинлари фаолиятидан мустаҳкам ўрин олсин. Бугунги куннинг талаби ана шундай.

Республика партия ташкилотлари ҳаётига қайта қуриш, янгиланиш, маънавий покланиш руҳи сингиб бормоқда. Газетанинг ички бетларида ана шу муҳим мавзуларга бағишланган материаллар ўрин олган.

Женевада Афғонистонга оид битимларни имзолаган давлатларнинг халқларига

МУРОЖААТ

Биз, Совет Иттифоқи ва Афғонистон Республикасининг космонавтлари Женева битимларини имзолаган давлатлар: Афғонистон, Покистон, шунингдек мазкур битимларга кафил бўлган АҚШ ва СССР халқларига космосдан туриб мурожаат этамиз. Афғонлар муаммосининг ташқи жиҳатини ҳал этиш кўзда тутилган Женева битимларининг имзоланиши бутун тинчликсевар инсоният дилига умид солди. Бу — катта ғалабадир, у аввало Афғонистон учун алоҳида аҳамиятга эгадир, чунки Афғонистон халқи 10 йилдан буён эълон қилинмаган урушнинг мураккаб шароитларида яшаб турибди. Женева битимлари имзолангач, афғонларда, ниҳоят, бизнинг азоб-уқубатларимиз барҳам топади, деган умид пайдо бўлди.

Бироқ Женева битимлари кучга кирган пайтдан буён орадан уч ярим ой ўтган бўлишига қарамай, ҳозирги вақтда инсоният Афғонистондаги урушни тўхтатиш бир ёқда турсин, ҳатто баттар кучайиб кетганининг шоҳиди бўлиб турибди.

Бу, СССР билан Афғонистон ўз зиммаларига олган мажбуриятларни бажараётган бир пайтда АҚШ билан Покистон Женева битимларини бузиб, Афғонистоннинг ички ишларига ҳамон аралашиб келаётганликларининг оқибатидир.

Ҳозир, бир томондан Женева битимлари имзоланган ва совет ҳарбий қисмларининг 50 проценти юртига қайтиб кетган, иккинчи томондан эса, Афғонистонда миллий яраш сиёсати эълон қилинган бир пайтда бу мамлакатда урушни давом эттириш учун энди сабаблар йўқ.

Орбитада учиб юрган, биз космонавтларгина эмас, ер юзидаги барча кишилар ҳам шунга аминдирларки, Женева битимларини имзолаган барча мамлакатлар шу ҳужжатларга аниқ риоя этиши Афғонистондаги урушни ва хунрезликни тугатишнинг бирдан-бир йўлидир.

Совет ва афғон космонавтлари: **ТИТОВ, МАНАРОВ, ЛЯХОВ, ПОЛЯКОВ, МОМАНД**

XIX БУТУНИТТИФОҚ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ҚАРОРЛАРИ—ҲАЁТГА!

ПАРТИЯ ГРУППАЛАРИ

ПАРТИЯ ҚУЙИ БЎҒИНЛАРИДА ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИҒИЛИШЛАРИНИНГ ДАСТЛАБКИ ЯКУНЛАРИ НИМАЛАРНИ КЎРСАТДИ?

Сирдарё областидаги «Мирзачўл» совхози сут-товар фермаси партия группаси ҳисобот-сайлов йиғилишида группа ташкилотчиси, сут соғувчи Хадича Шокирова шундай деди:

— Коллективда коммунистларнинг авангардлик роли яққол сезилиб турибди. Аммо имкониятлардан унумли фойдаланмаётган, ишда бошқаларга намуна кўрсатмаётган партия аъзолари ҳам бор. Группа меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, чорвачиликни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган камчиликларни тугатиш юзасидан жиддий қарорлар қабул қилганди. Аммо бу тадбирлар тўла амалга ошмади. Сабаби— совхоз партия ташкилоти бу соҳада амалий ёрдам бермади. Умуман, партия ташкилоти қуйи бўғинлар ролига аҳамият бермаяпти, ёрдам у ёқда турсин аҳволимиз қандай эканлиги билан ҳам қизиқмайди. Район партия комитети эса бошланғич ташкилотининг қуйи бўғинлар билан ишлашдаги хатоларини тўғрилаб қўймаяпти.

Музокарада сўзга чиққан коммунистлар унинг фикрини ривожлантириб, партия аъзоларининг КПСС Устави талабларини қандай бажараётганлиги тўғрисидаги ҳисоботларини тез-тез эшитиб боришни қонда қилиб қўйишни, мусобақанинг таъсирчанлигини оширишни таклиф этдилар, иқтисодий ўқувда кўпинча расмиятчилик устун келаётганлигини танқид қилдилар. Коммунистларнинг конкрет таклифлари асосида партия группасининг янги вазифаларини белгилаб берадиган қарор ишлаб чиқилди.

Жойлардан олинаётган хабарларга кўра, Тошкент шаҳри, Самарқанд, Фарғона, Андижон, Хоразм ва бошқа бир қатор областларда кўпчилик партия группалари ва цех партия группаларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари ана шундай тартибда, ишчанлик ва талабчанлик руҳида ўтди. Коммунистлар чуқур таҳлил билан қайта қуриш соҳасида амалга оширилган дастлабки ишларнинг якунларини чиқардилар, ютуқларни умумлаштириб, камчиликларни ва улар кимлар томонидан, қандай сабаблар билан содир бўлганлигини юз-хотирсиз очиб ташладилар, аҳволни яхшилаш тадбирларини белгилаб олдилар. Партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотларининг вазифаси қуйидан бўлаётган ана шундай таклиф ва мулоҳазалардан ўз иш фаолиятини яхшилашда кенг фойдаланишдан иборатдир.

Партия группалари — бошланғич ташкилотларининг таркибий қисми. Бу ерда коммунистлар сони кам бўлса ҳам улар бошланғич ташкилотлар ҳаёти ва фаолиятида муҳим роль ўйнайди. Партия группалари ҳамиша омма орасида, ишлаб чиқаришнинг қуйи бўғинларида бўлиб, кишиларни зарбдорчасига меҳнат қилишга сафарбар этадилар, партия қарорларини амалга оширишга ёрдам берадилар. Уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятга эга. Аммо барча группалар олдида ягона мақсад — ўзлари иш олиб бораётган участкада ҳар бир коммунист ва ҳар бир меҳнатчининг ўз ишини қайта қуриб олишини, коллективни КПСС XXVII съезди ҳамда XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қарорларини йиллик план ва мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашга сафарбар этишдан иборат вазифа турибди.

XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси партия ва халқимиз олдида турган энг долзарб вазифаларни белгилаб берди. Жумладан, ҳамма жойда қайта қуришни жадал олиб бориш, демократия ва ошкораликни тўла жорий этиш шу кунининг энг муҳим вазифасидир. Коллективнинг ҳар бир аъзоси ҳамиша партия группалари кўз ўнгида бўлади. Шундай экан, қайта қуриш вазифаларини уларга чуқур сингдиришда группаларнинг ўрни ва роли катта. Улар конкрет партиявий иш олиб борши, кишиларда ижтимоий ҳаёт ҳодисаларига актив муносабатда бўлишни шакллантириш, коллективда соғлом маънавий-психологик муҳитни вужудга келтириш учун катта имкониятларга эга. Худди ана шунинг учун ҳам инсон омилини активлаштириш, ҳар бир меҳнатчининг ўз иш ўрнида унумли ишлашига эришиш партия группаларининг асосий вазифаларидан бири қилиб белгиланган. Ҳисобот ва сайлов йиғилишларида ҳар бир коммунист КПСС Устави талабларига қандай риоя этаётгани, меҳнатда ва турмушда қандай шахсий намуна кўрсатаётгани, тежамкорлик ва иқтисод қилиш учун социалистик мусобақада қандай иштирок қилаётгани ҳақида талабчанлик билан сўз юритилиши керак. Кадрларнинг иқтисодий тафаккурини қайта қуриш, уларни халқ мулкига ғамхўрлик, хўжасизлик ва ўринсиз исрофгарчилик ҳоллариига муросасизлик билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш коммунистларнинг бурчидир.

Республикамизда партия группалари ва цех партия ташкилотларида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишлари якунлари эркин фикрлашиб олиш учун зарур шароит яратилган жойда коммунистлар музокараларда конкрет таклифлари, танқидий мулоҳазалари билан актив қатнашганлигини кўрсатди. Бу эса ўзининг илк ижобий натижаларини беряпти. Партия группалари ва цех партия ташкилотларининг обрўси ошиб, барча коммунистларни қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлашдан четда қолдирмаслик учун зарур шароит вужудга келяпти. Йиғилишларда танқид ва ўз-ўзини танқиднинг ўткир, таъсирчан нафаси сезилмаётган жойда эса бунинг акси рўй бермоқда. Пешку районидаги Ибн Сино номли колхозининг 1- ва 2-бригадалари партия группаларида ҳисобот ва сайлов йиғилишига расмиятчилик билан ёндошилди. Аввало йиғилишга тайёргарлик кўрилмади. Район партия комитети колхоз бошланғич партия ташкилоти секретари Ж. Остоновни бу ишга масъул қилиб белгилаган бўлсада, секретарь бунга бефарқ қаради, группага ёрдам бермади. Йиғилишдан кейин эса райкомга нотўғри маълумот берди. Булар ўз навбатида райондаги барча ҳисобот-сайлов йиғилишлари жадвалига ўзгартиш киритишга олиб келди. Бундай аҳвол Нишон райони партия ташкилотларида ҳам рўй берди. «Коммунист» совхози 1-бўлими партия группаси йиғилишига тайёргарлик кўришда ёрдам кўрсатиш вазифаси топширилган хўжалик бошланғич партия ташкилоти секретари Э. Ҳайдаров ҳам, райком инструкторлари Б. Норбўтаев ва Ш. Салоев ҳам зиммадаги вазифасига масъулият билан ёндошмадилар. Йиғилиш зерикарли, ошкора баҳс-мунозарасиз ўтди. Ҳатто ўтган йили пахта тайёрлаш планнинг бажарилмай қолиши сабаблари ҳам таҳлил қилинмади. Номзодлар рўйхатига коммунистларнинг таклифлари асосида эмас, балки партия юқори органлари билан келишилган ҳолда олдиндан белгилаб қўйилган кишиларни кўрсатиш ҳоллари ҳам рўй бермоқда. Сирдарё область электр тармоқлари корхонасида ана шундай аҳвол содир бўлди. Бундай мисоллар кўп. Ҳисобот-сайлов йиғилишларига бу хилда расмиятчилик ва юзаки муносабатда бўлишининг ҳар қандай кўринишлари қайта такрорланмаслиги олдини олиш партия ташкилотларининг бурчидир.

Ҳисобот сайлов йиғилишида коммунистлар ўзларига етакчи қилиб энг муносиб, ташаббускор, принципиал, ишни олиб борши қобилиятига эга бўлган партиядош ўртоқларини сайладилар. Йиғилишларнинг натижалари шуни кўрсатяпти, партия группалари ва цех партия ташкилотларига тажрибали коммунистлар билан бир қаторда партиявий ишда ҳали «ғўр» коммунистлар ҳам раҳбар қилиб сайланмоқдалар. Партия комитетлари ва бюролари уларга самарали ишлаш усул ва услубларини ўргатишлари керак.

Партия қуйи бўғинларида, бошланғич ташкилотларда ҳисобот ва сайловлар уларнинг жанговарлигини, коммунистларнинг масъулияти ва ташаббускорлигини оширишда, қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажаришда энг таъсирчан ва самарали тадбир бўлиб қолишига эришайлик.

Замондошимиз

Меҳрибоннинг меҳри баланд

У ҳали ёш. Ҳаёт йўли ҳам оддий: Оржоникидзе район партия комитети таржимаи ҳолини сўраганида ярим варақ қоғозга жо қилиб борди: Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг пилла-чилик факультетини битириб, аввал агротехник, кейинроқ агроном бўлиб ишлади. Коммунист. Бошланғич партия ташкилоти берган партия топшириғи — иқтисодий мактаб пропагандистлигини аъло даражада бажаряпти. Райком берган характеристикада эса унинг барча фазилатлари қисқа ва лўнда қилиб ёзилган жумларида жамланган: «Дадил. Ҳаракатчан. Обрўли. Партия ички ҳаётини яхши билади. Одамлар билан ишлай олади. Уларни ўз ортидан эргаштириб бориш қобилиятига эга».

Унинг ана шу ҳислатлари «Коммунист» колхозининг 158 нафар коммунисти назарига ҳам тушди. 1980 йилда Меҳрибон Тожиевани хўжалик партия комитети секретарлигига сайлашди.

Энди у сиёсий раҳбар. Авваллари мутахассис сифатида ўз касбини яхши билиши шарт эди. Эндиликда бўлса одамлар қалбига қўл сола билиши, уларнинг дилидаги қувонч ва ранжларига шерик бўла олиши лозим. Шундай ҳам қиляпти. Орадан ўтган қисқа вақт ичида бутун колхоз аъзоларининг ҳурмат-эътиборини қозонганлиги сабаби ҳам ана шунда. Унинг эшиги ҳамиша одамлар учун очиқ. Бу ерда ишдан кейин кечки соатларда «Секретарь опа» билан суҳбатлашиб, дардини ёзгани келадиган колхозчиларни учратиш мумкин. Меҳрибон ана шу дақиқаларни «секретарлик соатларим» деб атайди. Шу соатларда у фақат одамлар билан ишлайди. Партия ташкилоти юмушлари билан шуғулланади. Кундузлари эса... яна одамлар ҳузурига боради. Унинг иш кабинети энди далага, боғроғларга, чорвачилик фермасига, кишилар ёнига кўчади.

— Колхозимиз асосан сабзавот, мевачилик, чорвачилик билан шуғулланади. Бу йил ана шу соҳаларда 4 миллион 640 минг сўмлик маҳсулот етказиб беришимиз керак, — дейди М. Тожиева. — Кишиларни олинган ана шу мажбуриятни шараф билан бажаришга йўналтириш партия ташкилотининг вазифаси. XIX партия конференцияси партия ташкилотлари олдига ана шундай талаб қўйди. Бу айни пайтда қайта қуриш ва жадаллаштириш мезони ҳамдир.

У ана шу вазифаларнинг уддасидан чиқаяпти. Бугина эмас, хўжаликдаги 158 коммунист ва юздан ортиқ комсомол аъзосининг ҳар соҳада ўз ҳамкасбларига ибрат кўрсатиши, ҳамиша ташаббускор бўлишига эришаяпти.

Меҳрибон Тожиева айни пайтда меҳрибон она ва меҳрибон уй бекаси ҳамдир. Унинг турмуш ўртоғи Турсунбой Шерматов ҳам пилла-чи агроном, районда ишлайди. Фарзандларини ўзлари сингари меҳнатсевар ва ҳақиқий инсон қилиб тарбиялашаяпти. Қишлоқ одамлари шу жиҳатдан ҳам улардан хурсанд.

Ҳа, Меҳрибоннинг ҳамқишлоқларига, уларнинг эса Меҳрибонга меҳрлари баланд.

Суратда: Меҳрибон Тожиева.

М. НУРИДДИНОВ фотоси.

ПАХТА ТЕРИМИГА— СУРЪАТ ВА СИФАТ

✦ ПАХТАКОР УРТОҚЛАР! Ҳосили пишиб етилган пайкалларда пахта йиғим-терими кун сайин авж олмоқда. Илғорлардан ўрнак олинг!

✦ Ғўза дефолиациясини сифатли ўткази ш — терим машиналарининг унумли ишлашини таъминлайди. Ана шу муҳим агротехник тадбирни барвақт тугаллашга эришинг!

✦ Дала меҳнаткашларига ғамхўрликни ҳар қачонгидан кучайтириш — партия, совет, хўжалик раҳбарларининг шу кунги ишлари, ташвиши, юмуши бўлсин!

«ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 5 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Бир кунда	Мавсум бошидан	Шу жумладан машинада терилгани: Бир кунда	Мавсум бошидан
Хоразм	1,17	3,83	—	—
Андижон	0,58	2,76	—	—
Қашқадарё	0,40	1,06	0,03	0,07
Сурхондарё	0,25	0,82	—	—
ҚҚАССР	0,19	0,38	—	—
Тошкент	0,28	0,28	—	—
Наманган	0,17	0,22	—	—
Фарғона	0,11	0,11	—	—
Республика бўйича:	0,26	0,79	0,01	0,01
Шу жумладан ингичка толали пахта:				
Сурхондарё	0,32	1,10	—	—
Қашқадарё	0,11	0,22	—	—
Наманган	0,20	0,20	—	—
Республика бўйича:	0,24	0,77	—	—

ДЕФОЛИАЦИЯ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?

Республикада ғўза дефолиациясининг бориши тўғрисида 5 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун— областлар, иккинчи устун— бир кунда, учинчи устун — мавсум бошидан буён.

Қашқадарё	4,6	14,9
Жиззах	3,2	10,9
Сурхондарё	3,1	4,8
Наманган	1,1	1,4
Андижон	0,5	1,1
Сирдарё	0,1	0,1
Фарғона	0,1	0,1
Республика бўйича:	1,2	3,4

Дастлабки тонналар

Тошкент области далаларида жорий йилнинг дастлабки ҳосилини танлаб теришга киришилди. Бу юмуш биринчи бўлиб Чиноз районида бошланди. Чиноз ликлар социалистик мусобақада пешқадамлик қилиш учун астойдил ҳаракат қилиб, куни кеча «қизил карвон» ташкил этдилар.

Шундай бўлиши табиий эди. Чунки район агросаноат комплексининг барча звенолари меҳнатни ташкил этишнинг илғор усулларини кенг қўлламоқдалар. Районда 142 коллектив пудрат бригадалари, 500 онлавий пудрат звеноси ишлаб турибди. Хўжликларнинг 200 дан ортиқ бўлинмалари ички хўжалик ҳисоби асосида ишламоқдалар. Бу ўзининг дастлабки самараларини бермоқда. Пахтадан эртаки ва мўл ҳосил етиштирилди.

Райондаги «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги», «Октябрь 40 йиллиги» колхозлари, «Партия XXIV съезди» совхози пахтакорлари, айниқса, фидокорлик кўрсатмоқдалар. Чевар теримчилар мусобақасида «Қизил Октябрь» колхозининг теримчиси Х. Умирова пешқадам. У кунига 150 килограммдан хом ашё тераётир.

Областнинг Бўка, Янгийўл, Ўрта Чирчиқ районларида ҳам «Оқ олтин» карвонлари пунктлар томон йўл олди.

А. МАННОПОВ.

ҚОРАҚАЛПОҚ ДУРДОНАСИ

Қорақалпоғистон автоном республикаси колхоз ва совхозларида, пахта терими авж олмоқда. Бу йил 47 минг тонналик хирмон уйимига аҳд қилган Элликқалъа райони миришкорлари мавсумни анча уюшқоқлик билан олиб бормоқдалар. «Қирққизобод», Калинин номли, Ленин номли колхозлар, «Октябрь 60 йиллиги», Охунбобоев номли, Оржоникидзе номли совхозларда ҳар йилгидан мўл ҳосил етиштирилди.

Ўнлаб илғор бригадаларда кунига йиллик планнинг 4,5-5,5 проценти миқдорида пахта тайёрланмоқда. Ҳар бир хўжаликда 250-500 теримчи кўпмингкилограммчилар сафига қўшилиб, кунига 80-120 килограммдан ошириб пахта термоқда.

— Район меҳнаткашлари пахта тайёрлаш планини 25 октябрда, социалистик мажбуриятни эса 1 ноябрда бажаришни кўзлашмоқда, — дейди РАПО кенгаши раиси Х. Ўринов. — Суръатни тезлатиш учун яқинда теримчилар сонини 15200 кишига етказамиз. 300 га яқин «зангори кема» юксак унум билан ишлатилади. Уларнинг ҳар бири билан камида 100-120 тоннадан пахта териб олинади. Мусобақада голибликка эришган хўжаликлар, бўлимлар, бригадалар, механизаторлар пул ва қимматбаҳо буюмлар билан рағбатлантирилади. Дала шийпонларида иссиқ овқатлар, мавсумий болалар боғчалари ташкил қилдик.

Автоном республикада йиғим-терим кўлами кун сайин ортиб бормоқда. Тўрткўл, Беруний ва бошқа қатор районларда ҳам хирмонлар кўкка бўй чўза бошлади.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

• Техника мавсумга тахтми?

ТАЖРИБА ВА ТАШВИШЛАР

КИЧКИНА ДЕМАНГ БИЗНИ

Бу нақлни ёддан кўтариш — кишининг ўнғайсиз ҳолга солиб қўйиши мумкин. Навбаҳор районидаги Свердлов номли колхознинг трактор паркида шундай бўлди. Иш қизғин. Механизаторлар, механиклар терим машиналарини созлашяпти... Уларнинг режалари билан қизиқдик. Бу соҳада кўп «кўйлак кийган»ларнинг нияти — 150 тоннадан бўлди. Навбат — анчадан буён суҳбатга аралашишга ийманиб, чеккароқда турган ёш йигитга келди.

— 200 тонна! — деди у.

Аввалига ишонмадик. Иккиланиб турганимизни сездими, у бошқа бир ишонарли фактни келтирди.

— Ўтган йили 166 тонна терганман.

— 166 эмас, 186 тонна, — унинг гапини тузатди ёнидагилар.

— Йўқ, ростини айтишим керак, ўша ортиқча 20 тоннани отам теришган.

ИЗОҲ: Илҳом Турғунов 22 ёшда. Ўтган йили механизаторлар билим юртини тугаллаган. Отаси Ғайбулла ака колхознинг кекса механизаторларидан. Техникани кўзини боғлаб қўйсангиз қисм-қисмларга ажратиб бериши ҳам, йиғиб бериши ҳам мумкин. Ундаги худди шу малака кечагина билим юртини тугатиб келган ўғлига жуда-жуда асқотди. Машина шпинделларини зарур маромга қўйиш, бирон кор-ҳол бўлиб қолса дарҳол созлаб юбориш кабн юмушларда унга қарашди, қўмак берди. Бу йил ҳам шундай бўлиши турган гап: ота ўғлини ёлғизлатиб қўймайди.

— Бундан шундай хулоса чиқади-ки, — дейди РАПО раисининг механизация бўйича ўринбосари И. Турдиев, — маҳоратда ҳикмат кўп. Агар машиналар рисоладагидек созланса, унуми юқори бўлиши аниқ. Шу мақсадда механизаторлар ўқувини барвақт ўтказдик, малака ошириш тадбирларини ҳозир ҳам давом эттиряпмиз.

«ЭСКИЧА ИШЛАШНИ ҚУЙИНГ»

Бу фикр РАПО раисининг ўринбосари Т. Болтаевдан чиқишини ҳеч ким кутмаганди. У хўжаликларнинг агрономлари ва инженерлари билан теримни қандай ўтказиш ҳақида маслаҳатлашар экан, уларни янгича ишлашга даъват этди.

— Бу йил пахта пунктлари аввалгидай тонг отаргача ишламайди, — деди у ҳаммани огоҳлантириб, — кеч соат тўққизгача қосилни қабул қилишга келишиб олганмиз. Ахир тележкачи, юкловчи, ишчилар — барчасининг дам олишини ҳам ўйлашимиз керак. Терим бир кунлик иш эмас. Одамларга соғлиқ, ишчанлик ҳамиша зарур. Шунинг учун ҳозирдан янгича ишлашга ўрганиб борайлик...

— Пахта пунктларининг лаборантлари малакаси бизни қаноатлантирмайди, — гап ташлади «Бухоро» колхозининг бош агрономи Т. Нониқов. — Улар ҳосил сортини бир сиқим пахтага қараб эмас, даладаги ҳолатига қараб аниқлашсин...

Агроном фикри маъқулланди. Лаборантларнинг ҳафталик ўқуви ташкил қилинди.

Афсуски, ҳамма ташвишлар камчиликлар жойларда ана шундай тез ва соз ҳал қилинмаяпти. Районнинг кўплаб хўжаликлари давлатдан қарз. Бу кўп ишларнинг белига тепяпти. Масалан, «Гигант» совхози механизаторларига 6 та мотор керак. Лекин уларни сотиб олишга хўжаликнинг қурби етмай турибди. Ёки районда шпинделларнинг чўткалари ҳам тақчил. Агар уларнинг биронтаси бузилса, алмаштириш учун 80 дан ортиқ болтни ечишга, уларни созлаш учун кўплаб соат вақт йўқотишга тўғри келади. Терим вақтида эса ҳар бир дам ғанимат.

— Бу йил районимиз қаддини кўтариб олиши керак, — суҳбатни якунлади район ижроия комитетининг раиси А. Алиқулов. — 1986 йилда пахтадан 14 миллион сўм атрофида даромад қилган бўлсак, ўтган йили 36 миллионга етди. Натижада катта қарздан қутилиб олдик. Бу йилги ҳосил эртаки ва мўл. Энг асосийси — уни механизмлар кучи билан барвақт йиғиштириб олишимиз керак. Шундагина кўзланган мақсадга эришамиз.

А. ҚОРЖОВОВ,
«Савет Ўзбекистони» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНИ

Гайана халқ тараққийпарвар партиясининг бош секретари Чедди Бхарат Жаган Тошкентга келди.

5 сентябрь куни Ч. Б. Жаганни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов қабул қилди. Бўлиб ўтган суҳбат чоғида меҳмон қайта қуриш чуқурлашиб бораётган шароитда республиканинг партия ташкилотлари, меҳнат коллективлари КПСС XXVII съезди, XIX партия конференцияси қарорларини рўёбга чиқаришга қай тарика ўз ҳиссаларини қўшаётганликлари билан таништирилди. Гайана тараққийпарвар партиясининг бош секретари мамлакатимизда ва республикамизда содир бўлаётган янгиланиш жараёнларига зўр қизиқиш билдирди ва ўзининг барча саволларига узил-кесил жавоблар олди.

Ч. Б. Жаган Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирди, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасини бориб кўрди.

(ЎзТАГ).

ҲИНДИСТОНЛИК ВРАЧЛАР РЕСПУБЛИКАМИЗДА

«Ядро урушининг олдини олиш учун курашувчи врачлар» ҳаракати активларидан иборат ҳиндистонлик врачлар делегацияси республикамиз билан танишиб чиқди. Меҳмонлар Ўзбекистондаги медицина муассасаларининг фаолияти билан таништирилдилар. Улар Тошкент ва Самарқанднинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар.

5 сентябрь куни делегация аъзолари Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигида қабул қилиндилар.

Шу куни «Ядро урушининг олдини олиш учун курашувчи врачлар» совет комитетининг республика бўлимида ҳиндистонлик меҳмонлар бўлимнинг тинчликни мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолияти билан таништирилди ва улар ўз ватанида бу иш қандай олиб борилаётганлиги ҳақида сўзлаб бердилар. Ҳар иккала томон ядро ҳалокатига йўл қўймаслик — Ер юзидаги врачларнинг, барча софдил кишиларнинг бурчи эканлигини таъкидлади.

Ҳиндистонлик врачлар Бутуниттифоқ хирургия илмий марказининг Тошкент филиалини бориб кўрдилар. Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамиятининг активлари билан учрашув бўлиб ўтди.

(ЎзТАГ).

XIX БУТУНИТТИФОҚ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ҚАРОРЛАРИ—ҲАЁТГА!

ВИЖДОНАН ИШЛАШ, ОМИЛКОР

Партия ишини қайта қуришнинг моҳияти шундан иборатки, ҳар бир партия ташкилоти — республика ташкилотидан то бошланғич ташкилотгача КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленуми йўлини амалга ошириш учун фаол курашмоғи, изланиш, ўз фаолиятининг форма ва методларини янгилаш муҳитида яшамоғи керак. Бу ишни барча коммунистларнинг куч-ғайрати билангина, партиянинг ўз ичида демократияни бутун чоралар билан ривожлантириш, ҳамма поғоналарда коллектив раҳбарлик принципини амалга ошириш, танқид ва ўз-ўзини танқидни, контролни, ишга масъулиятли муносабатни авж олдириш йўли билангина қилиш мумкин. Ана шундагина янгилик руҳи вужудга келади, қолоқлик ва турғунликка нисбатан муросасизлик пайдо бўлади.

(КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездига Сиёсий докладидан).

Хива гилам тўқиш комбинатида мураббийчилик ҳаракати кенг авж олган. Бу муҳим иш партия ташкилотининг диққат-марказида. Коммунистларнинг деярли барчаси ёш ишчиларга мураббийлик қилишмоқда.

Йигирув цехи бошлиғи Бектурди Шеров ана шундай меҳрибон мураббийлардан биридир. У ёшларга касб сирларини қунт билан ўргатиб келмоқда.

СУРАТДА: Б. Шеров шогирдлари Ш. Жуманиёзова ва Ф. Искандаровага дастгоҳни бошқаришнинг нозик томонларини ўргатаётир.

Қ. ОТАЕВ фотоси (ЎзТАГ).

Партия турмуши: бошланғич ташкилот ишини жадаллаштирайлик

ШАХСГА ЭЪТИБОРНИ КУЧАЙТИРИБ

Бир неча ой муқаддам Фарғона областига Ўзбекистондаги ўн икки областдан шаҳар, район партия комитетлари иккинчи секретарларининг каттагина «десанти» тушди. Республика Компартияси Марказий Комитети бу ерда бошланғич партия ташкилотлари жанговарлиги кўригини бошлаганди. Бундай катта иш республика партия ташкилотларида илк маротаба ўтказилмоқда. Ҳар бир коммунистни актив фаолиятга жалб этиш, партиявий ишнинг бирон бир «жабҳасини» соғда қолдирмаслик жанговарлик кўриги олдига қўйилган мақсаддир. Кўрик иш моҳирона ташкил этилганда қандай натижаларга эришиш мумкинлигини кўрсатиши, камчиликларни илдамроқ бартараф этишга, партия ҳисобот-сайлов йиғилишларини фаолроқ ўтказишга ёрдам бериши керак. Ҳозирда кўрик қизғин тус олган. Унинг дастлабки сабоқлари қандай? «Правда» мухбири В. Артеменконинг шу саволига жавоб берадилар:

С. АЛЕКСАНДРОВА,
Андижон область, Бўз район партия комитетининг секретари.

— Мен Қувасой чинни заводи партия ташкилотида уч ҳафта ишладим. Умуман олганда, бу бошланғич ташкилот жанговар, бироқ кўплар ўз имкониятларига ишонмай қўйишган. Суҳбатлардан аниқ бўлдики, партия бюроси коммунистлар билан якка тартибдаги ишни ёмон олиб борган, маъмуриятга таъсири суст. Чунончи, одамлар меҳнат ва турмуш шароитлари ёмонлиги хусусида шикоят қилишди. Завод директори Т. Алимжонов билан партия бюросининг секретари Т. Ҳожиматов ўртасида ўзаро ҳамкорлик йўқ. Коллективнинг кўпгина қусурлари ҳам мана шундан келиб чиқмоқда.

Биз суҳбатлашувларни айниқса синчковлик билан тайёрладик. Бош энергетик бўлими партия ташкилотидан иш бошладик. Чунки, турли идораларга худди шу ердан ташвишли хатлар ёғилмоқда эди. Коммунистлар билан суҳбатлашдик. Бунда суҳбатдошларимиз ўзларига четдан бир назар ташлаб олишларига эришишга ҳаракат қилдик. Мана шунда коммунистлар иссиқлик-энергия маркази директори А. Мирзамаҳмудовга жиддий эътироз билдиришди: у энг оддий техника-иқтисодий талабларини билмасди, ўз устида ишламай қўйганди. Комиссия бу раҳбар ўз лавозимига мос эмас, деган хулосага келиб, бу ҳақдаги масалани маъмурият олдига қўйди. Суҳбатлашувлар якунлари бўйича цех партия ташкилоти иш плани белгилаб чиқилди, партия топшириқлари қайта тақсимланди.

Яқинда мен заводга яна бориб келишдан ўзимни тиёлмадим. Коммунистлардан қизиқ-қизиқ таклифлар тушмоқда, кўпгина ташаббуслар пайдо бўлди. Партия аъзолари ташмачиларга қарши қатъий курашга етакчилик қилишди. Ундайлар корхонада оз эмасди. Дастлабки рейдлар ўтди. Яқин фурсатда завод стадиони қурилишини поёнига етказишга қарор қилишди. Фикримча, партия ташкилотида ишлар яхшиланиб бормоқда.

Уч ҳафталик командировка мени ҳам кўп нарсага ўргатди. Албатта, орттирилган тажриба ўз районимда жанговарлик кўригини ўтказишга ёрдам беради. Биз ҳам кўрикни бошлаб юбордик.

Х. ҚОСИМОВ,
Фарғона область, Ёзёвон районидаги «Правда» совхози партия комитетининг секретари

— Кўрик бизнинг ташкилотимиз учун айни муддао бўлди. Озмунча муаммолар йиғилиб қолмаганди. Коммунистларнинг активлиги сезиларли сусайган, маънавий-психологик муҳит ҳам носоғлом бўлиб қолганди. Ўтган йили совхозимиз давлатга пахта топшириш планини фақат 78 процент бажарди. Чорвачилик ҳам зарар келтирмоқда эди.

Суҳбатлашувларда ишлаб чиқаришни бошқарувнинг беўхшов системасига эътироз-лар бўлди. Маъмурият бу мулоҳазаларни ҳисобга олди ва яқинда бир бўлим ҳамда ўн олтита бригада қисқартирилди.

Ҳозир деярли ҳар бир коммунистнинг юриш-туриши, хатти-ҳаракатини англаб етишга интилмоқдамиз. Асосий камчилигимиз меҳнат интизомининг бўшлиги, гоҳида эса кўпчиликнинг пассивлиги, фаолиятсизлигидадир.

В. МАМОНТОВ,
Фарғона область, Қўқон ип йигирув-пайпоқ тўқув бирлашмасининг слесари

— Виждонан эътироф этишим керак: ҳали яқин-яқинларгача мен пассив бўлиб келдим. Ҳамиша ҳам бор кучимни сарфлаб меҳнат қилмадим. Мана шунинг учун, чамаси, кўрик комиссиямиз аъзолари мени суҳбатлашувга биринчи таклиф қилишгани бежиз эмасди. Бошланғич ташкилотимиз ҳисобидаги бошқа коммунистлар билан ҳам мана шундай қаттиқ, бироқ ўртоқларча суҳбат бўлди.

Суҳбатлашувлардан кейин бир неча ой ўтди. Биз кескин ўзгардик, охиригача ҳаммасини қайта қуриб олдик, дейиш сидқидилликдан бўлмайди, албатта. Бироқ ишларимиз яхшилик сари ўзгариб бораётганлиги шундайгина кўринниб турибди. Кўрик комиссияси аъзолари бизларга берган сабоқдан деярли ҳар бир коммунист хулоса чиқариб олмоқда. Партия группамизнинг ташкилотчиси Л. Латипова янада талабчанроқ, ташаббускорроқ бўлиб қолди. Эндиликда биздаги 28 коммунистнинг деярли ҳар бири партия топшириғига эга.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Партиявий-ташкилий ишлар бўлимининг мудири П. ДОГОНКИН шарҳи:

— Республика Компартияси кўрикни ўтказар экан, бошланғич партия ташкилотларига янгича бир жўшқинлик бағишлашга интилмоқда.

Кўрик методикасини аввалига республиканинг йирик областларидан бири — Фарғонадаги деярли 900 та бошланғич партия ташкилотида синаб кўрдик. Ҳозиргача икки мингдан зиёд суҳбатлашувлар ўтказилди. Бир неча партия аъзоси кўрик мобайнида илгари эгаллаб турган жойларидан ажралди.

Тўрт мингдан кўпроқ танқидий мулоҳазалар билдирилди. Партия бюролари уларнинг ярмидан кўпроғи юзасидан амалий чоралар кўриб улгурди, бошқалари устида иш олиб борилмоқда. Деярлик икки юз коммунист тақрорий суҳбатлашувга келишига тўғри келди. Улар ўз ишларини мулоҳаза қилиб, уни яхшилаш юзасидан амалий таклифлар билан келишди. Энг «умид йўқлар»ни комиссиялар аниқлаб берди. Партия йиғилишларида уларнинг ҳисоботлари тингланади. Коммунистлар ўртоқларига аниқ топшириқлар бериб, уларнинг бажарилиш муддатларини белгилаб қўядилар.

Комиссиялар томонидан партия ташкилотлари фаолияти юзасидан қилинган таҳлил натижалари партия йиғилишларида, район ва шаҳар партия комитетларининг пленумларида муҳокама қилинади.

(«Правда», 5 сентябрь).

Газетхонлар хатларидан

ЙИЛЛИК ПЛАН—22 ДЕКАБРГА

Бағдод район хўжалик ҳисобидаги аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ремонт-қурилиш участкаси коллективи буюртмачиларга хизмат маданиятини юксалтира бориб, улар олқишига сазовор бўлмоқдалар. Коллектив аъзолари мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, хизмат кўрсатишнинг барча турлари бўйича 7 ойлик планнинг ортиғи билан бажардилар. Буюртмачиларга 203 минг сўм ўрнига 205,4 минг сўмлик хизмат кўрсатиб, зиммаларидаги план топшириқларини 101 процентга етказиб адо этдилар. Улар йиллик план топшириқларини 22 декабргача бажариш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Бунда 1989 йил ҳисобига ишлаётган илғор ишчилардан Т. Йигиталиев, Н. Тошболтаевларнинг ҳиссаси катта.

К. ХОЛБЕКОВ, М. ШАРИПОВ.

ҚАЧОНГАЧА?

Бизнинг Пастдарғом районимиздаги «Чимбойобод» колхозида қурилиш ишларига эътибор суст. Чунончи хонадонларимизга ҳамон газ етиб келмаган. Бу хўжалик планига ҳам киритилмаган. Бутун қишлоқ аҳолиси телефон алоқасидан маҳрум. 18-бригада аъзолари водопровод сувига муҳтож. Бригада аҳолисини водопровод суви билан таъминлаш иши жуда чўзилиб кетди. Бунинг устига 14-ўрта мактаб биноси авария ҳолатида. Мактабга борадиган йўллар ўйдим-чуқур, асфальтланмаган. Мактаб қурилиши ҳам пайсалга солинмоқда. Меҳнаткашларга маданий ва маиший хизмат кўрсатиш ҳам бугунги талаблар даражасида эмас. Ана шу камчиликларга қачон барҳам берилади?

Меҳнаткашлар номидан: А. ЭРГАШЕВ.

• Ошкоралик—ҳаёт тарзимиз

Маслаҳатли иш—режали иш

Ўтган йилнинг кеч кузида бригадамизга раҳбар сайлашга тўпландик. Қизғин баҳс, мунозаралардан сўнг икки кишининг номзоди кўрсатилди. Шунда тажрибали қурувчи-монтажчи Б. Баговутдинов: «ҳар иккала номзод — М. Солиев билан Ғ. Мирзахўжаевни яхши биламиз. Меҳнаткаш йигитлар. Мен шу рўйхатга В. Акрамов номзодини ҳам қўшишни таклиф қиламан», деди. Мен буни сира ҳам кутмагандим, ҳаяжонланиб кетдим. Кўпчилик овоз билан мени бригада бошлиғи этиб сайлашди. Дўстларнинг ишончидан миннатдор бўлдим, аммо бу ишонч менга катта масъулият ҳам юклашини чуқур ҳис қилдим.

Бригадада ишларни давр руҳига монанд, ошкора асосда йўлга қўйдик. Чунончи илгарилари кимнинг қандай ишлашини асосан бригадирнинг ўзи белгилаб, унинг айтгани айтган, дегани—деган эди. Ҳатто бир-икки ишёқмас ҳам бригадирнинг паноҳида юраверишги мумкин эди. Биз беш кишидан иборат бригада кенгаши туздик. Кенгаш аъзолари ҳар ой якунида ҳар бир ишчига унинг меҳнат интизомига риоя қилиши, бажарган иш сифати, қурилиш материалларидан тежамкорлик билан фойдаланиши каби ҳолатларни ҳисобга олиб баҳо қўяди. Белгиланган даражадан паст баҳо олган ишчининг маошидан маълум бир қисми чегириб қолинади ва юқори баҳо олган ишчиларга қўшимча ҳақ қилиб берилади. Масалан, Б. Эрматов, М. Ортиқов, Э. Мираҳмедов каби ишчилар меҳнат интизомини бузиб, бехафсалалик билан ишлаганлари учун уларнинг маошидан қирқилди. Бу ҳақда бригада йиғилишида ошкора гапирилди. Кўпчилик бу усулни маъқуллади. Айбдорларнинг ўзлари ҳам хатоларини тан олишди ва ишга муносабатни ўзгартиришди.

Ёки ойлик топшириқларининг бажарилишини олиб кўрайлик. Аввалларида юқоридан план берилдими, у қонун деб ҳисобланар ва ҳар қандай йўл билан бўлсада топшириқни бажаришга интилардик. Энди эса планни ой бошида бригада аъзолари билан муҳокама қиламиз, агар у имкониятларимиз даражасида бўлса, рози бўламиз, акс ҳолда юқори органлардан планга ўзгартиш киритишни талаб этамиз. Чунки нореал планни бажараман деб чираниш яхшиликка олиб келмайди.

Бригада аъзоларининг ўзлари мени сайлаганлари учун орамизда «бошлиқ-ишчи» деган айирмачилик йўқ. Улар юракдаги гапларини менга айтишади, мен ҳам ўз навбатида улар билан очиққасига маслаҳатлашаман. Шу туфайли бригадада ўзаро иноқлик, ҳамжиҳатлик кучли. Бу эса ишларимиз ривожига хизмат қиляпти. Масалан, кўчма механизациялашган колоннамиз 1988 йил давомида 1 миллион 489 минг сўмлик иш бажариши керак эди. Ҳозирнинг ўзидаёқ 1 миллион 73 минг сўмлик ишни бажариб қўйдик. Бу пландагидан бир мунча кўпдир. Бир сўз билан айтганда, ошкоралик ишлаб чиқаришдаги муваффақиятлар гарови бўлиб қолди.

В. АКРАМОВ,
Фарғона шаҳридаги 11-қурилиш трести, 164-кўчма механизациялашган колоннаси ёшлар комплекс бригадаси бошлиғи.

• Коллегиаллик

Давр талаби

Партия комитетимиз йиғилишларининг бирида янгича анъана, урф-одатларни жорий этиш масаласини муҳокама қилдик. Айниқса, тўйларни ўтказишнинг ўша вақтдаги аҳволи бизни қониқтирмасди. Исрофгарчиликка, ичкиликбозликка, ортиқча дабдабаю, чиқимга йўл қўйиларди. Бунинг олдини олиш учун нима қилиш керак? Қандай қилиб тўйларни ихчам, чиройли ва мазмунли ўтказиш мумкин?

Партком аъзолари кўплаб конкрет фикрларни ўртага ташлашди. Шулар асосида тўй комиссияси фаолияти тубдан ўзгартирилди. Унга обрўли, тажрибали кишиларни танлаб олиш тавсия қилинди. Бу масалага масъуллик партком аъзоси Ҳ. Бўроновга юклатилди. Натижада кўп ўтмай ишлар ижобий томонга ўзгарди. Ҳозир аксарият тўйларимиз ихчам ўтяпти. Ёшларнинг никоҳ кечаларига эса замонавий мазмун бахш этилди.

Ҳа, масалаларни бамаслаҳат, коллегиал ҳал қилишга ва ушбу асосда қарорлар қабул қилишга нима етсин. Бундай услуб партия комитетларини бир ёқлама иш юритишдан, хатоларга йўл қўйишдан сақлаши турган гап. Афсуски, турғунлик йилларида ана шу оддий ҳақиқатдан кўз юмиб келинди. Унинг ўрнини буйруқбозлик, дабдабабозлик, маъмуриятчилик эгаллади.

Колхозимиз партия комитети бундай яроқсиз иш услубидан қандай қутиляпти? Энг аввало, демократия ва ошкораликка таяниб, партия йиғилишларида ҳар ким ўз фикрини очиқ, дадил айтишига эришдик. Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, қарорларни қабул қилиш масалаларида, умуман, ҳамма соҳада коллектив аъзолари билан бамаслаҳат иш тутиляпти. Айни чоғда бу иқтисодий, сиёсий-социал соҳадаги ишларимизни яхшилашда ҳам муҳим роль ўйнамоқда. Жумладан, ўтган йили аксарият тармоқлар бўйича давлат планларини бажардик. Шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида ҳам пахтачиликдан бошқа ҳамма соҳадаги планлар ошириб ортиғи билан адо этилди. Пахта ҳосилини йиғиштириб олишга тушамиз. Яқинда колхозимиз меҳнаткашлари билан маслаҳатлашиб, бутун ҳосилнинг 70 процентини машиналар билан териб олишга аҳд қилдик.

Масалани коллегиаллик билан ҳал қилиш масъуллик ҳам умумий бўлиши керак дегани эмас. Масъуллик, албатта, шахсий бўлиши зарур. Лекин шу масалада эскича андозалардан ҳали батамом қутилганимиз йўқ. Бу нафақат қуйи бўғинлар, балки райком фаолиятига ҳам хосдир. Шу боис кўплаб бамаслаҳат ҳолда қабул қилинган яхши-яхши қарорлар қоғозларда қолиб кетяпти.

Коллегиал асосда ишлашни ҳар томонлама ривожлантириш керак. Айни чоғда ҳар бир масалани ҳал қилишда шахсий масъулликни ҳам унутмаслик лозим. Ана шундагина кўзланган мақсадга эришилади.

Н. ҚОЗОҚОВ,
Навоий районидаги «Бухоро» колхози партия комитетининг секретари.

МАТБААЧИГА ЭЪТИБОР КЕРАК

Чироқчи район босмахонаси коллективи йилдан йилга меҳнатда юқори натижаларга эришиб келмоқда. Босмахона ўтган йилнинг охирги ва шу йилнинг биринчи кварталы якунлари бўйича социалистик мусобақада ғолиб чиқиб, Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси Давлат комитети, республика маданият ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритишга сазовор бўлди. Шаҳрисабз район босмахонасида ҳам босма маҳсулотлари ишлаб чиқаришда сифат ва самарадорлик ортмоқда. Умуман олганда нашриёт ва полиграфия область бошқармаси беш йилдан буён ишлаб чиқариш топшириқларини мунтазам бажариб келяпти.

Бироқ эришилаётган муваффақиятларни янада кўпайтиришга тўсқинлик қилаётган, кўп йиллардан бери ўз ечимини кутаётган муаммоларимиз ҳам бор. Улардан бири матбаачиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш масаласидир. Босмахона ишчиларига бундан 30—40 йил бурунги шкалалар бўйича иш ҳақи тўлаб келинмоқда. Масалан, босмахона ишчиларининг ўртача ойлик маошлари 130—150 сўмдан ошмайди, область босмахонаси бош инженерининг ойлик маоши 160 сўм. Бизнингча, матбаачиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш фурсати аллақачон етган.

Яна бир муаммо, кейинги пайтларда матбаа саноати учун янги машиналар ишлаб чиқариш ҳақида кўп гап-сўзлар бўлмоқда. Бироқ ҳанузгача биз бундан 20-30 йил илгари чиқарилган, маънавий эскирган техникаларни ишлатаяпмиз. Шунингдек, полиграфия машиналарига эҳтиёт қисмлар, ҳарфлар етказиб бериш ишларида ҳам жиддий нуқсонлар бор. Қолаверса, республикада матбаачи мутахассислар тайёрлаш иши яхши йўлга қўйилмаган. Областдаги босмахоналарда полиграфия институтини битириб чиққан бироров ҳам мутахассис йўқлигига ачинасан, киши.

О. МУМИНОВ,
Қашқадарё область нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси бошқармаси бошлиғи.

• Коммунист сўз сўрайди

АКТИВЛИК ВА ЖАНГОВАРЛИК МЕЗОНИ

ПАРТИЯ ГРУППАЛАРИ ВА ЦЕХ ТАШКИЛОТЛАРИ ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИҒИЛИШЛАРИДА БИЛДИРИЛГАН ТАКЛИФ, ИСТАК ВА МУЛОҲАЗАЛАР

Республикамиз партия ташкилотларида ҳисобот-сайловлар янги босқичга кирди. Бу муҳим сиёсий кампания бошланғич партия ташкилотларида ҳам бошланди. Партия группалари ва цех партия ташкилотларида ҳисобот сайлов йиғилишларида партия ишини қайта қуришнинг энг муҳим принциплари — ошкоралик, демократия, танқид ва ўз-ўзини танқид, қарор ва ижро, коммунистлар активлигини ошириш қандай бораётгани чуқур таҳлил қилинди. Партия аъзолари ўткир, етилган муаммоларни муҳокама қилдилар, ишнинг самарадорлигини оширишнинг энг таъсирчан чораларини кун тартибига қўйдилар. XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг, КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг қарорлари ҳисобот-сайловларда диққат марказида бўлди. Коммунистлар партиянинг ана шу анжуманлари талабларидан келиб чиқиб, олдда турган вазифаларни белгилаб олдилар. Қуйида республикамиздаги бир қатор партия группалари ва цех партия ташкилотлари ҳисобот-сайлов йиғилишларида, жанговарлик кўрикларида коммунистлар билдирган таклиф ва мулоҳазалардан айримларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Ш. БОБОЕРОВ, Булунғур районидаги «Интернационал» совхози 3-агроучасткаси ишчиси: — Партия ташкилоти обрўсини таъминлайдиган мезонлардан бири қарорлар ижросини изчил амалга оширишдир. Деярли ҳар бир партия йиғилишида Булунғур районидаги қайта ишловчи корхоналар фаолиятига таъсир ўтказиш зарурлиги таъкидлаб келинди. Шу ҳақда қарорлар ҳам қабул қилинди, партия юқори органларига ёрдам сўраб мурожаат этилди. Аммо сўз ва иш бирлиги бўлмади. Ҳали ҳам райондаги қайта ишловчи корхоналарнинг айби билан қанчадан-қанча помидор ва бошқа сабзавотлар нобуд бўлиб, планларга путур етмоқда. Бироқ қайта қуришни оғиздагина ёқлаётган айрим раҳбарлар ваъда беришдан нарига ўтишмаяпти. Хатолар эса такрорланмоқда. Масалан, Қилдон консерва заводига помидор етказиб бераётган тележкалар икки-уч кун навбат кутиб кўчада қолиб кетаётир. Ҳосилнинг кам деганда ярми эзилиб-оқиб нобуд бўляпти. Ўтган йили агроучасткада помидорни шарбатга айлантириб берадиган қурилма ўрнатилганди. Бироқ уни тўла унум билан ишлатиш ҳам пайсалга солиняпти. Цех партия ташкилоти қабул қилган қарор қолиб кетди. Совхоз раҳбарлари эса хотиржам юришибди. Ахир улар ҳам коммунистлар-ку, ишга масъулият билан ёндашиш, қарорлар ижросини таъминлаш уларнинг бурчи-ку?

С. МИРЗАҚУЛОВА, Тошкент тўқимачилик комбинати 2-йигирув-тўқув фабрикаси оҳорлаш-фарқ очиш цехи партия ташкилоти секретари: — Цехимиз партия ташкилоти сафида 8 коммунист ва бир КПСС аъзолигига кандидат бор. Улар партия аъзоси сифатида бутун цех коллективида сафарбарлик ролини ўташлари мумкин. Бироқ ишда ана шу нарса сезилмаяпти. Бу нарса айниқса ёшларни тарбиялаш ва уларнинг меҳнат интизомини мустаҳкамлаш борасида яққол кўзга кўринмоқда. Йил бошидан буён цехда 20 киши прогул қилди. 2-бригадада интизомсизлик кучли. 20 прогулчидан 12 киши айнан мана шу бригаданинг аъзоси. Танда ташувчи А. Холматовнинг прогул қилиши бригада ишини орқага тортяпти. Коммунистлар прогулчиларга нисбатан муросасозлик қилишмоқда. Шунингдек сифат масаласи ҳам қониқарли эмас. Ўтган 7 ой натижаси чиқиндилар ҳажми нисбатан анча ўсганини кўрсатди. Коммунистлар маҳсулот сифатини яхшилашга, план-топшириқларини бажаришга коллективни сафарбар қила олмаяптилар. Ана шунинг натижасида оҳорлаш-фарқ очиш цехи коллективи ассортиментлар бўйича ярим йиллик планини бажара олмади. Бундай аҳвол бошқа цехлар ва фабрикаларда ҳам содир бўлмоқда. Демак, бутун корхона бўйича коммунистлар активлиги, ташаббускорлиги ва жанговарлик ролини ошириш кун тартибидаги энг муҳим масалалардан бири бўлиб турибди.

Р. РАҲИМОВА, Нариманов шаҳар қишлоқ зонасидаги «Ленинский путь» колхози аъзоси: — Уч-тўрт йил олдин колхозимиз «миллионер хўжалик» деб тилдан тушмасди. Тўғри, кўзбўямачилик, қўшиб ёзишлар ҳам бўлди. Аммо йиллик ҳисобот-сайловдан кейин ҳам колхоз кассасида миллионлаб сўм пул қолганлигидан хабардормиз. Ҳозир эса хўжалик кассасида бир мири ҳам йўқ эмиш. Тийинлаб топилган миллион-миллион сўмлар нималарга сарф бўлганлиги билан биз — коммунистлар нега қизиқмадик? Лоқайдлигимиз шу даражага етдики, кейинги уч йил ичида тўртта раис алмаштирилганлигига ҳам лом-мим демадик. Мен колхозда уч йилдан бери планлар барбод бўлиб келаётганига энг аввало коммунистларнинг пассивлиги сабабчи дейман. Ҳар бир партия аъзоси ўз иш жойида ташаббускор, жонкуяр бўлмаса, колхозчиларни ўз ортидан эргаштира олмаса ишда бурилиш ясаш қийин. Ҳозир — ошкоралик, демократия замони. Яккабошчиликка зўр бериш даври эса аллақачон ўтиб кетган. Кўп коммунистлар ҳар куни, ҳар соат мана шу ҳақда эшитаётган, ўқиётган бўлсалар ҳам, фикр-онгларини қайта қуриб ололмаяптилар. Эскича фикрлаш, эскича ишлаш, камчиликларга нисбатан эскича муносабатда бўлиш кўринишлари ҳали ҳам давом этмоқда. Бутун диққат-эътиборимизни мана шу жиҳатларни қайта қуришга қаратишимиз керак.

Г. БОБОНИЁЗОВ, Урганч бирлашган авиаотряди авиатехника базаси ОТК инженери: — цех партия ташкилоти ҳисобида 17 коммунист бор. Улар 3 та партия группасига бирлашган. Бироқ партия группалари иши қайта қуриш талаблари даражасида эмас. Группа ташкилотчиларига ёрдам кўрсатиш ва уларнинг фаолиятини назорат қилиб бориш ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги бошланғич ташкилот жанговарлиги кўриги пайтида ҳам яққол сезилиб турди. Коммунистлар якка тартибдаги суҳбат пайтида группалар ишини яхшилаш ҳақида қатъий талаб қўйишди. Бу ҳатто кўрикнинг дастлабки босқичи муҳокама қилинган партия йиғилиши қарорига ҳам кирди. Бироқ ишда ўзгариш сезилмаяпти. Цех партия ташкилоти секретари В. Каримов ишлаб чиқариш планнигина билади. Партия ташкилоти шуғулланиши лозим бўлган асосий вазифалар билан эса иши йўқ. Бирлашган авиаотряд коммунистлари катта куч. Шаҳар партия комитети ҳам ана шуни эътиборга олиб, группалар фаолиятини қайта қуришда яқиндан ёрдам кўрсатиши лозим.

БЎЛИШ — ҚАЙТА ҚУРИШ ТАЛАБИ

• *Хўжаликка раҳбарлик*

Партия конференцияси делегати назари билан

Шижоаткор ва жонкуяр бўлайлик

Конференция кунлари хаёлан қишлоғимиздаги социал-иқтисодий аҳвол, турмуш маданияти даражасини эсладим. Очиғини айтганда бизда далада ишлаётганлар учун ҳали етарли шарт-шароитлар яратилмаган. Хўжалигимиз 1971 йили ташкил қилинган. Дастлабки йиллари қатор маданий-маиший объектлар қурилди. Бироқ сўнгги йилларда қурилиш ишлари тўхтатиб қўйилди.

1984 йилдан хўжаликка раҳбарлик қила бошладим. Аввалига мен ҳам социал-маданий объектлар қурилишига эътибор бермадим. Ишлаб чиқариш самарадорлиги кўзда тутилган даражада ошмаётганлигининг сабабини кейинчалик сезиб қолдим. Меҳнат нишисига ишлаши ва дам олиши учун етарли шарт-шароитлар яратиб бермай туриб, хўжалик равнақи, меҳнат унумдорлигини ошириш ҳақида ўйлаш хом хаёл экан. Хуллас бош план асосида қишлоқни ободонлаштириш ишларини жадал бошлаб юбордик. Ўтган йили 10 та янги уй қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ҳозир 464 ўринли мактаб биноси битаяпти. Уй-жой қурилишини йил сайин кўпайтириб боряпмиз. Қишлоқдаги барча хўжаликлар водопровод суви билан таъминланган. Ҳаммом, болалар боғчаси ишлаб турибди. Келаси йилга спорт комплекси, 400 ўринли қишки клуб қурилиши бошланади.

Ишлаб чиқариш объектлари барпо этишга ҳам эътибор беряпмиз. Илгари хўжалигимизда марказий ремонт устахонаси биноси йўқ эди. Техника тўғри келган жойда қолиб кетаверарди. Хўжалик коммунистлари, механизаторлари кучи билан устахонани тартибга келтирдик. Бу ерда ошхона, чойхона ва дам олиш хоналари барпо этилди. Яқинда 400 бош қорамолга мўлжалланган ферма қурилишини ҳам бошлаб юбордик.

Ана шу тадбирлар меҳнат унумдорлигини оширишга муҳим омил бўлиб хизмат қиляпти. Хўжалик 2,5 минг гектар ерда шоли етиштиради. Йилдан-йилга ҳосилдорлик кўпайиб, маҳсулот таннархи арзонлашаяпти.

Ўтган йилдан бошлаб 37 та звено оила пудрати усулида ишлай бошлади. Аввал бироз қийналдик. Мавжуд ерлардан самарали фойдаланиш ўрнига РАПО кенгаши раҳбарларининг тазйиқи билан қарийб 300 гектар янги ерлар ўзлаштирилиб, шоли экилди. Бунинг оқибатида ҳосилдорлик кўзда тутилган даражада бўлмади. Шунга қарамай айрим пудратчи оилалар юқори натижаларга эришдилар. Чунончи Ш. Жабборов, Х. Пардаев, Б. Холмўминов оилалари ҳар гектар ердан 55—60 центнердан шоли хирмони кўтаришди. Ўтган йили ҳар бир ишчининг ўртача йиллик иш ҳақи совхозда 3458 сўмга тўғри келган бўлса, пудратчи коллективларда бу кўрсаткич 4,5 мингдан 10 минг сўмга етди. Бу йил асосий диққат-эътиборни илғор коллективларнинг иш тажрибаларини кенг ёйишга қаратдик. Ялпи ҳосилни 10 минг тоннадан оширишга қарор қилганмиз.

Шоличиликда «МТЗ-80» тракторидан кенг фойдалана бошладик. Бу трактор билан экиш, ўғит бериш ва гербицид солишдек учта операцияни амалга оширдик. Натижада ишчи кучи ҳам, ёнилғи ҳам 2—3 баравар тежалди. Эндиликда экиш пайтидаёқ далага 80 процентгача фосфорли ўғит солиб кетиш имконияти яратилди.

Бизда шоли ўримига мослашган махсус комбайнлар йўқ. Оқибатда ғалла комбайнларини шоли ўримига мослаштиришга мажбурмиз. Бу ҳосилни ўриш ва янчишда катта нобудгарчиликка йўл қўйилишига олиб келади. Совхозга ботқоқликка мослашган «МТЗ-82Р» маркали тракторлар зарур. Лекин уларни сўраб овора бўляпмиз. Илтимосларимиз инобатга олинмаяпти. Ҳатто шоли экиш учун махсус сеялка ҳам йўқ. Мутасаддн ташкилотлар шоликорларга мана шу зарур техникаларни тезроқ етказиб беришлари зарур.

XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида энг аввало аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўла қондириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Бу вазифани амалга ошириш масъулиятли ва машаққатлидир. Бунинг учун деҳқонга моддий ва маънавий мадад кўрсатиш зарур. Агар ҳар биримиз ўз вазифамизни сидқидилдан адо этиб шижоаткорлик ва жонкуярлик кўрсатсак, аминманки, ушбу мураккаб вазифа муваффақиятли ҳал этилади.

П. ХУДОЁРОВ,
Гагарин районидаги «Искра» шоличилик совхози директори.

Пахтакор районидаги Ульянов номли совхоз сут-товар фермаси коллективи социалистик мусобақада пешқадамликни қўлдан бермаётир. Беллашувни уюштиришда ва унда шахсий намуна кўрсатишда коммунистлар ҳаммага ибрат бўлишяпти.

Суратда: мусобақадош ёш коммунистлар Ҳусан Бўтаев билан Гавҳар Набираева. Улар йил охиригача ўз боқимидаги соғин сигирлардан 70 тоннадан сут соғиб олишга аҳд қилишган.

У. ҚУШВОҚОВ фотоси.

Ҳозир қайта қуриш бизгача етиб келмади, деб тез-тез айтмоқдалар ва жойлардан ёзмоқдалар, қайта қуриш қачон етиб боришини сўрамоқдалар. Аммо қайта қуриш осмондан ёғиладиган чалпак эмас, шу сабабли уни қаердандир олиб келишларини кутмасдан, балки, ўз шаҳри ёки қишлоғида, ўз меҳнат коллективида уни ижод қилиш керак. Ҳозир қайта қуриш хусусидаги гап-сўзлар эмас, балки ҳаракатлар, ишлар ҳар қачонгидан ҳам зарурдир. Бу ўринда кўп нарса кадрларимизга, район, шаҳар, область ва республика миқёсидаги раҳбарларимизга боғлиқ.

(КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси материалларидан).

• *Қарор ва ижро*

Ҳамма бош қўшса...

Таъсирчан қарор қабул қилиш ва унинг ижросини амалга ошириш партия ташкилоти ўз ишини қандай қайта қураётганлигининг ёрқин далилидир. Илгари устма-уст қарорлар қабул қилинар ва унинг қоғозда қолиб кетиши партия ташкилотининг обрўсига путур етказарди.

Эндиликда бу борада ўзгариш ясалмоқда. Масалан, ўтган йили партия юқори ташкилотларидан клуб муассасалари ва спорт иншоотлари фаолиятини яхшилаш бўйича қабул қилинган қарорни муҳокама қилиш тўғрисида кўрсатма келди. Бу масаланинг партия йиғилиши кун тартибига киритилишига эса коммунистлар қатъий эътироз билдиришди.

— Ҳаммамиз биламизки, фабрикамизда клубнинг ўзи йўқ, — деди улардан бири. — Шундай экан, мазкур қарорни муҳокама қилишнинг нима ҳожати бор. Клуб фойдаланишга топширилсин, кейин бу масалага қайтамиз.

Барча коммунистлар бу таклифга қўшилиб, масала кун тартибидан олиб ташланди. Биз коммунистлар фикрини шаҳар партия комитетига етказдик. Ўшандан буён юқори партия ташкилотларидан муҳокама ва тадбир қабул қилиш учун юборилган қарорлар сони кескин камайди. Бу эса партия ташкилотига қоғозбозлик ўрнига чинакам жонли иш билан шуғулланишга имкон берди.

Шу йилнинг ўтган саккиз ойида партия ташкилоти ўз фаолиятининг муҳим соҳалари бўйича тўққизта қарор қабул қилди. Улар ишлаб чиқаришга партиявий раҳбарлик, коллектив ўртасида сиёсий-тарбиявий ишни жонлантириш, социал масалаларни тубдан ҳал қилиш каби муҳим масалаларга оиддир.

Жумладан, бундан икки йил муқаддам ишчиларни уй-жой билан таъминлаш бўйича қабул қилган қароримизнинг бажарилиши қониқарли бўлмоқда. Корхонанинг уй-жой қурилишига ҳиссадорлик асосида қатнашиши туфайли ўтган йил мобайнида янги уйга ариза берган барча ишчиларнинг талаби шу кунга келиб тўла қондирилди.

Корхона ёрдамчи хўжалиги иши қониқарсиз ташкил қилинган. Ишчиларни гўшт билан таъминлашда катта қийинчиликлар содир бўлмоқда. Яқинда бўлган йиғилишимизда коммунист ишчилардан Ғ. Мусаев, А. Аббосов агар маъмурият ёрдам берса, ўз ховли-жойларида молни бўрдоқига боқиб, ишчиларни гўшт билан таъминлаш ташаббуси билан чиқишди. Биз бу ташаббусни маъқуллаб, қарор қабул қилдик.

Шуни таъкидлаш лозимки, қарор ва унинг ижросида коммунистларимиздан М. Мажидова, Р. Ашуров, М. Холмуродованинг роли катта бўлмоқда. Улар партия ташкилоти қарорларининг бажарилишини чинакам ишчи назорати остига олишган. Ҳақиқатан зарур ва таъсирчан қарорлар қабул қилиш ва уларнинг ижросини таъминлаш партия бюросининг доимий диққат марказида турибди.

М. ИБРОҲИМОВА,
Бухородаги Тельман номли трикотаж фабрикаси партия ташкилотининг секретари.

• *Коммунист активлиги*

ИМТИЁЗ ЭМАС, МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАЙДИ

Партия аъзосининг биринчи галдаги вазифаси қайта қуриш ишига қўпроқ, салмоқли ҳисса қўшиш эканлигини ҳар бир киши ҳис этмоғи, англамоғи шарт. Хўш, бу вазифа нимадан иборат? Уни қандай қилиб бугунги кун талаблари даражасида ижро этиш керак? Бу саволларга аллақачон кўпчилик жавоб топиб бўлган. Аммо жавоб қидириб юрганлар ҳам анчагина. Жанговарлик кўригининг биринчи босқичи якунланаётганда бу фикрни аниқ айтиш имконига эгамиз. Чунки биргина бизнинг заводда 172 нафар коммунистдан 80 га яқини билан суҳбат ўтказилганда уларнинг аксарияти бугунги кун талаблари даражасида фаолият кўрсатмаётганига иқрор бўлди. Яъни улар қайта қуришни ўзларидан бошлаганлари йўқ.

Тўғри заводимиз планларини ҳамиша уддалаб келяпти. Илғор коллективлар сафидамиз. Саккиз ойлик планлар бажарилди. Меҳнат унумдорлиги мўлжалдагидан баланд бўлди. Шартнома шартлари ҳам зиёди билан бажарилди. Лекин коммунистнинг қайта қуришдаги ўрни умумий кўрсаткичлар ортида қолиб кетиши мумкин эмас.

Юқорида айримлар саволга жавоб қидириб юришганини қайд этдим. Шундайлар бизда ҳам бор. Жанговарлик кўриги давомида уларга қайта қуришни ўзларидан бошлашлари кераклигини кўрсатдик. Шунинг ўзи коммунистнинг катта ҳаракатдаги ўрнини белгилайди. Заводда Нина Гусакова, Собир Зоҳидов, Шавкат Қодиров сингари коммунистлар бошқарётган бригадалар доим пешқадам. Айни пайтда улар жамоат ишларида ҳам фаол қатнашадилар. Умуман коммунистлар бошлиқ бўлган бригадаларда иш яхши йўлга қўйилган. Шуни ҳисобга олган ҳолда бригада бошлиқларини танлашга алоҳида эътибор беряпмиз. Қолаверса партиясиз бригадирлар билан ишлаш ҳам диққат марказида турибди. Масалан, Зайнаб Қудратиллаева бошлиқ гул солувчилар бригадаси етти ойлик планни бажаролмади. Аввало бригадирнинг ўзи билан гаплашдик. Сўнг бригада аъзоларининг таклиф, мулоҳаза, эътирозларига қулоқ тутдик. Уларга амалий ёрдам кўрсатилди. Натижада саккиз ойлик кўрсаткичлари бўйича бригада ижобий якунга эришди.

Коммунистнинг обрўси, мавқеини кўтариш тўғрисида кўп ўйлаяпмиз. Турғунлик йилларида унинг обрўси дарз кетди. Узоққа бормайлик. Бизнинг заводда ҳам айрим коммунистлар тап тортмай ташмачилик қилишарди. Шундай ҳоллар кескин камайди. Бу хусусда партия ташкилоти принципиал чоралар кўряпти. Масалан, рейд ўтказганимизда коммунист Э. Турсунова бир неча чинни идишни олиб кетаётгани аниқланди. Гап ўғирланган нарсанинг қийматида эмас, балки коммунист номига доғ туширилгани ҳақида бораётганини кўпчилик яхши ҳис қилди. Партия йиғилишида уни КПСС сафидан ўчирамиз, деган таклиф тушди. Айни пайтда партия ташкилотининг вазифаси фақат коммунистни жазолаш эмас, балки тарбиялашдир, деган таклифга қўшилдик. Унга ҳисоб карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор берилди. Орадан анча вақт ўтди. Коммунист Э. Турсунова дўстларининг фикр-мулоҳазаларидан тегишли хулоса чиқарди. Умуман, бу унга катта сабоқ бўлгани ишида, бутун фаолиятида акс этиб турибди.

Партия группалари, цех партия ташкилотларида ҳисобот-сайловлар якунланди. Бу босқич ҳам коммунистнинг авангардлигини таҳлил этувчи ўзига хос кўринка айланди. Ҳисобот-сайлов йиғилишларида деярлик ҳар бир коммунист фаолиятига баҳо беришга ҳаракат қилинди. Чунки жамоат фикри ҳақиқий тарбия мактабидир.

Заводимиз олдингилар сафида эканлиги билан кифояланиб қолсак кўп нарсани йўқотамиз. Ютуқлар бор жойда камчилик йўқолмайди, балки кўринмай қолади. Буни сезмаслик нималарга олиб келишини яқин тарих кўрсатди. Демак, ютуқ билан камчилик ёнма-ён эканлигини ҳис қилишимиз ва доим унинг сабабига назар солишимиз, нуқсонни бартараф этиш чорасини топишимиз зарур. Бу коммунистга юклатилган доимий партиявий топшириқдир. Зеро коммунистлик имтиёз эмас, балки кишига ўзини, қобилиятини, нимага қодир эканлигини кўрсатиш учун берилган имкондир.

Ю. МАЙОРОВ,
Самарқанд чинни заводи партия комитети секретари.

• *Партия турмуши бўлими почтасидан*

УЧ НОМЗОДДАН БИРИ

Олтиариқ район партия комитетининг иккинчи секретари район Совети ижроия комитетининг раиси лавозимига сайланганлиги муносабати билан район партия комитетининг навбатдан ташқари пленумида унинг ўрнига янги секретарь сайлаш масаласи кўрилди. Райком секретари лавозимига тавсия этилган номзоднар уч киши эди. Пленум иштирокчиларига Фарғона область партия комитети ходимлари Баҳодир Нишонов, Шаҳобиддин Абдусатторов, район халқ контроли комитети раиси Маматкарим Қурбоновларнинг таржимаи ҳоллари, ишлаб чиқариш интизоми, социалистик мусобақани уюштириш, реклама ва эълонлар бериб бориш тартиби тошкентлик журналистларда яхши таассурот қолдирди.

Номзодларнинг ҳар бири сўзга чиқиб, агар райком секретарлигига сайланишса, ишни қандай олиб боришлари ҳақида сўзлаб беришди.

Епиқ овоз бериш якунларига кўра Ш. Абдусатторов район партия комитетининг иккинчи секретари лавозимига сайланди. У ўз иш фаолиятини инсон омилини жонлаштиришга, социал-маданий, маиший объектлар қурилишини жадаллаштиришга жиддий эътибор беришдан бошлашга сўз берди.

Э. ИБРОҲИМОВ,
«Пахта учун» газетаси редакторининг ўринбосари.

НАМУНА

Тўрткўл районидаги «Совет Ўзбекистони» колхози рай-ондагина эмас, балки автоном республикадаги йирик, сертармоқ хўжаликлардан. Хўжалик аъзолари йилдан-йилга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш борасида яхши натижаларга эришиб келмоқдалар. Бу йил колхоз 1580 гектар ерда пахта етиштирмоқда. Бундан ташқари хўжалик давлатга 298 тонна сабзавот, 154 тонна полиз, 45 тонна гўшт, 357 тонна сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб беради.

Ана шу вазифаларни амалга оширишда колхоз партия ташкилоти ҳисобида турувчи 139 коммунист барчага намуна бўлмоқда. Хўжаликнинг ҳамма бригадалари ва чорвачилик фермаларида коммунистлар зарбдор меҳнат қилишади, Улар ўзларининг ташаббускорлиги, жонкуярлиги билан колхозчиларни янги зафарлар сари ундашмоқда. Колхоз бош агрономи Қ. Абдуллаев, бригада бошлиқлари И. Маттмуродов, Р. Матёқубов, А. Саидабдуллаев, А. Нуруллаев каби КПСС аъзолари ишлаб чиқаришда сифат ва самарадорликка эришишнинг ҳақиқий жонкуярлари саналади.

Ш. ҲУСАНБОЕВ.
мухбирлар пости аъзоси.

ЎРГАНСА АРЗИЙДИ

Тошлоқ район «Тошлоқ тонги» газетаси республикада биринчилар қатори ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга ўтди. Тошкент областининг бир группа журналистлари яқинда ушбу район газетаси фаолияти билан танишиб қайтди.

«Тошлоқ тонги» газетаси редакциясидан ишнинг ташкил этилиши, ишлаб чиқариш интизоми, социалистик мусобақани уюштириш, реклама ва эълонлар бериб бориш тартиби тошкентлик журналистларда яхши таассурот қолдирди.

Район газеталари бундан буён аста-секин хўжалик ҳисобида ишлашга ўтади. Шу жиҳатдан «Тошлоқ тонги» тажрибасини ўрганиш фойдалидир.

Ф. АБДУРАҲИМОВА,
Узбекистон журналистлар союзи Тошкент ташкилоти правлениеси секретари.

• *Демократия*

ЭНГ ТЎҒРИ ЙЎЛ

XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг ҳужжатларида демократия ва ошкоралик социалистик жамиятни янада ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг бош мезони эканлиги алоҳида таъкидланди.

Ҳақиқатан ҳам демократия ва ошкоралик турмушимизга чуқур сингиб бормоқда. Одамларнинг орзу-умидларини, қалбидаги истакларини тўла рўёбга чиқармоқда. Шу боис ҳозир демократик асосларга қатъий амал қилиб, коллективларда раҳбар кадрларнй энг ишбилармон, тажрибали, лаёқатли ходимлар орасидан танлаб, сайлаб қўйилмоқда.

Бизнинг колхозимизда ҳам худди шундай бўляпти. Масалан, 15-бригада бошлиғи Ҳайитмурод Ёзов колхоз раҳбарлари, бош мутахассислари кўрсатмасини бажармагани учун уни бригадирликдан бўшатмоқчи бўлишди. Ёзовнинг ўзи ҳам мен ҳали ёшман, деган андишага бориб, бунга рози бўлди. Бироқ янги бригадир сайлаш пайтида бригада аъзоларининг ҳаммаси Ёзовни ўз ўрнида қолдиришни талаб қилиб, унга юз фоиз овоз беришди. Сайловда бригада партия группаси ҳисобида турган 8 нафар коммунист айниқса, фаол иштирок этди.

Хўжалигимиздаги Куйбишев номли алмашлаб экиш участкамизда учта пахтачилик бригадасида партия группалари бор. Улар ҳамма ишда айниқса, демократия асосларини қарор топтиришда актив фаолият кўрсатмоқдалар. Бунга яна бир мисол. 10-бригадага кўп йиллардан бери М. Абраев бошлиқ бўлиб келарди. Партия группаси ташаббуси билан бригадирни демократик асосларда сайлаш тавсия этилди. Бу одамларнинг дилидаги гап бўлгани учун ҳамма шунга рози бўлди. Бригада аъзолари ўзларига етакчи қилиб иккинчи алмашлаб экиш участкаси бошлиғи, олий маълумотли агроном Хушвақт Нормуродовни сайлаб олишди. Ҳозир бу бригада илғор коллективлардан бири.

Демоқчиманки, биз демократияни ўрганяпмиз, уни колхоз ишлаб чиқаришининг ҳамма соҳаларига кенг жорий этяпмиз. Ишончимиз комилки, бу йўл энг тўғри йўлдир.

Р. АННАЕВА,
Термиз районидаги Жданов номли колхоз цех партия ташкилоти секретари.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

ХИВА РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ:

— Газетанинг шу йил 16 июнь сонида босилган **«Хива совғалари қани?»** сарлавҳали мақолада халқ бадиий ҳунармандчилиги бирлашмаси корхоналарида совғабоп маҳсулотлар кам ишлаб чиқарилаётганлиги ҳақиқатан ҳам тўғри кўрсатилган. Шу бирлашмага қарашли керамика заводи ишлаб чиқарадиган маҳсулотнинг 25 процентини совға маҳсулотлари ташкил этади.

Заводда «Янгилик» — «Н» индекси билан ишлаб чиқариладиган маҳсулот турларини кўпайтириш тадбирлари тузилди ва ҳозирги кунгача унинг хиллари 24 тага етказилди. Йил охиригача бундай турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш юзасидан тадбирлар белгиланди. Совға маҳсулотлари салмоғи 30 процентга етказилади.

Бирлашманинг бадиий совға буюмлар фабрикасида эса мақолада кўрсатилган камчиликларни бартараф қилиш юзасидан ҳам чоратадбирлар кўрилди.

Ҳақиқатан ҳам ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмининг 90 процентини тикувчилик маҳсулотлари ташкил килган бўлса, ҳозирги пайтда бундай маҳсулотларни ҳам совғабоп қилиб ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Масалан, тўрт турдаги қизлар кўйлагини турли бадиий — кашта тикилган турлари ишлаб чиқарилмоқда. Йил охиригача оддий тикувчилик маҳсулотлари ҳажмини камайтириб, бадиий совға тикувчилик буюмларининг ҳажмини 30 процентга етказиш планлаштирилган.

Булардан ташқари совға цехида совғабоп қадимий Хива архитектура ёдгорликлари расми туширилган вимпел, календарь, турли металл совғалар, мис чеканка маҳсулотлари, қумғон, лаган кабиларнинг ўн уч турини ишлаб чиқариш кўпайтирилди.

Фабрикада йил охирига бориб, янги пластмасса цехини ишга тушириш кўзда тутилмоқда. Бу цехда халқ истеъмоли буюмлари билан биргаликда совғабоп буюмлар ҳам ишлаб чиқарилиб, маҳсулот ҳажми қўшимча 300 минг сўмга оширилади.

Гиламчилик фабрикасида эса Хива архитектура ёдгорликлари тасвирланган совға гиламлар тўқишни кўпайтириш чора-тадбирлари белгиланиб, уларнинг ҳам ассортименти кўпайтирилади. Фабрикада якка тартибда буюртмалар қабул қилиб, аҳолининг дидига мос гиламлар тўқиб чиқариб, уларни реализация қилиш йўлга қўйилди.

Район партия комитетида халқ бадиий ҳунармандчилиги бирлашмаси корхоналарида маҳсулот сифатини яхшилаш ва совға маҳсулотларининг турларини кўпайтириш, корхоналарни кўп сменали режимга ўтказиш масалалари муҳокама қилинди. Шаҳар Совети ижроия комитетига бирлашма ишини назоратга олиш топширилди.

М. ШАМСИДДИНОВ, Бухоро тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси тайёрлов цехи ишчиси: — маҳсулот етиштиришни кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш энг аввало тайёрлов цехимизни, қолаверса бутун ишлаб чиқариш бирлашмасини техника билан қайта қуроллантиришга боғлиқ. Жадаллаштиришнинг асосий талаби ана шундай. Хўш, бизда-чи? Дастгоҳлар эскирганлиги ҳақида деярли ҳар бир йиғилишда гапирамиз. Бироқ ҳаракатларимиз беҳуда кетяпти. Дастгоҳларни тузатиш, янгиларини ўрнатиш билан деярли ҳеч ким шуғулланмайди. Корхона раҳбарлари ҳам ўзибўларчиликка берилишган. Бундан қайта қуриш ҳақида гап кўпу, амалий иш эса сезилмаяпти, деган хулосага келиш мумкин. Бунга бир мисол: хўжалик ҳисобига ўтиб ишлаётганимизга ҳам ярим йилдан ошди. Аммо, иш аввалгича давом этяпти. Ўтган йили ҳам, шу йилнинг хўжалик ҳисобига ўтиб ишланган ойларида ҳам сеҳда кўп фойда кўрилган эди. Лекин ана шу маблағ ҳисобидан юксак меҳнат унумдорлигига эришаётган илғорлар тақдирланаётгани йўқ. Тўғрироғи, маблағ цехимизда қолдирилмаяпти. Шундай бўлгач, ишчилар янгиликнинг афзаллик томонларини амалда кўрмаётирлар. Цех партия ташкилоти ва партия комитети ишнинг ана шу жиҳатларига эътиборни кучайтиришлари зарур.

М. ҚУРБОНОВА, Самарқанддаги «Ҳужум» пиллакашлик фабрикаси тола ўраш цехининг ишчиси: — Мен коммунистнинг дахлдорлик туйғуси ҳақида гапирмоқчиман. 13-бригада аъзолари 244 килограмм пиллани ортиқча сарфлаб юборишган эди. Унинг зарари эса бутун коллективдан ундириб олинди. Бироқ коммунистлар бу ҳолга бефарқ муносабатда бўлишди. Айбдорлар, бракчилар аниқланмади, меҳнат интизоми бўшашганлиги сабабли бундай иллатлар ҳеч кимни ташвишга солмади. Фабрика раҳбарлари ҳам КПСС аъзолари. Улар коммунист сифатида ишчиларнинг талаб-истакларини диққат билан эшитишлари ва ёрдам беришлари керак эди. Аммо, амалда шундай қилишмаяпти. Масалан, цехимизда ускуналар жуда эскириб кетган. Шу боис техник сувлар айниб кетади. Баъзан бадбўй ҳидга чидаб бўлмайди. Қўлларимиз куяди. Ишлаш эса жуда оғир. Меҳнат шароитини яхшилаш ҳақидаги талабларга эса раҳбарларимиз қуруқ ваъда бериб, сўзларинкг устидан чиқмаётирлар. XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси меҳнат унумдорлигини ошириш учун шарт-шароитларни яхшилаш зарурлигини таъкидлади. Хўш, Самарқанддаги энг тўнғич корхоналардан бири — «Ҳужум» фабрикасида бу борада қачон ўзгариш ясалади?

Т. ҚУРБОНОВ, Фарғона ёг-мой комбинати форпресс цехи смена мастери: — Цехимиз коллективи ташвишда: Қува, Тошлоқ, Олтиариқ районлари, Сирдарё, Қашқадарё ва Сурхондарё областларининг пахта тозалаш заводларидан келтирилаётган чигитлар ҳаддан ташқари нам, ностандарт, тўртинчи сортли. Механизмларнинг носозлигидан юкли вагонларни бўшатиб жўнатишнинг иложи бўлмаяпти. Бунинг учун жарима тўлаш одат тусини олган. Партия йиғилишларида бу масалалар бир неча бор муҳокама қилинганига қарамай ҳолат ўзгармаяпти. Хўш, нима қилиш мумкин? Бундан ўн йилларча аввал ҳамма ишлар жойида, планлар бажарилар, байроқдор эдик. Демак, турғунлик йилларининг оқибатлари партия ишида ҳам ўз аксини топган. XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси ташаббуслар ва ижодий жасорат кўрсатиш учун кенг имкониятлар очиб берган бир даврда нега энди коммунистларимиз индамай тек туришибди? Демак, партия ташкилотлари, ҳар бир коммунист коллектив иши учун масъулият сезмаяпти. Коммунист ҳар доим ташкилотчи, ишбоши бўлиши лозимлиги унутиб қўйилмоқда. Комбинатимиз партия ташкилотида оддий коммунистларнинг ҳисоботларини эшитиш йўлга қўйилмаган. Гарчи жанговарлик кўригининг дастлабки босқичи якунланган бўлса-да, ҳар бир коммунист ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўла олмадик. Балки ижтимоий-сиёсий аттестация пайтида бу ишларга аниқлик киритилар. Партия ишини қайта қуришга энг аввало мана шундай нуқсонларни тузатиш орқали эришишимиз мумкин эканлигини унутмаслигимиз керак.

Партия ҳисобот-сайлов йиғилишлари коммунистларнинг ҳаётида чуқур из қолдирадиган, ҳисобот даврида қайта қуриш соҳасида бажарилган ишларга якун ясаб, олдда турган вазифалар белгилаб олинадиган энг муҳим кампаниядир. Йиғилишларда коммунистлар активлик билан қатнашиб, юқорида қайд этилгани каби партия группалари бошланғич ва цех партия ташлотлари фаолиятини яхшилаш, ишни қайта қурб олиш юзасидан аниқ, принципиал таклифлар, фикр ва мулоҳазалар билдиридилар. Бошланғич партия ташкилотлари ҳисобот-сайлов йиғилишларида ҳам ана шундай таклифлар кўп бўлади. Вазифа — партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотларнинг қўйидан бўлаётган танқидий фикр-мулоҳазаларни, таклиф ва истакларни умумлаштириб, улардан ўз иш фаолиятларини яхшилашда, жанговарликни оширишда фойдаланишлари лозим.

КОРХОНА ШИФОХОНАСИ

— Корхонамиз шифохонаси ходимлари саломатлигимиз йўлида ғамхўрлик кўрсатишмоқда, — дейишади Хонқа пахта тозалаш заводи ишчи-хизматчилари.

Чиндан ҳам завод санаторий-профилакторийси коллективининг иши ибратлидир. Даволаш маскани юз ўринга мўлжалланган. Физиотерапия муолажалари кўрсатиш яхши йўлга қўйилган.

Суртларда: 1. Даволаш маскани боғида. 2. Даволанувчилар дам олиш пайтида.

В. МОЛГАЧЕВ фотолари.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

ОЛИМПИАДА АРАФАСИДА

Ёзги Олимпиада ўйинлари бошланишига ўн кун қолди. Турли мамлакатларнинг энг кучли спортчиларидан иборат командалар муросасиз баҳслар бўладиган Сеул шаҳрига йўл олмоқдалар. СССР делегацияси 870 га яқин кишидан таркиб топди. Шундан 520 нафари спортчи бўлса, 140 киши тренер, 80 киши илмий ва медицина ходими ҳамда бошқа хизмат кўрсатишга алоқадор одамлардан иборат.

Олимпиадага номзодлар совринли ўринлардан бирига даъвогар, маҳорати етук, совет кишисига хос фазилатли ёшлардан иборат. Спортчиларимиз Олимпиада баҳсларининг барчасида иштирок этадилар. Фақат чим хоккей бўйича аёллар командаси қатнашмайди. Улар саралаш турнирида имкониятни бой беришган. СССР олимпиадачилари делегацияси барча иттифоқдош республикаларнинг (Тожикистон ва Туркманистондан бошқа) вакилларидан иборат. Олимпиадага РСФСРдан 106, Москвадан 108, Ленинграддан 31, Украинадан 90, Белоруссиядан 45, Ўзбекистондан 9, Қозоғистондан 29, Грузиядан 15, Озарбайжондан 10 спортчи борадиган бўлди. Республикамиз вакиллари орасида курашчи А. Фадзаев, енгил атлетикачи Р. Гатауллин, велосипедчи Ж. Абдужабборов, сузувчи С. Заболотнов каби моҳир спортчилар бор.

ХОККЕЙ:

МАВСУМ БОШИДА

Шайбали хоккей бўйича мамлакат чемпионати мусобақалари бошланди. Пойтахт армиячилари дастлабки учрашувни Рига динамочилари билан ўтказиб, 6:3 ҳисобида ғалаба қозонишди. «Трактор» — «Спартак» ўйинида 5:7 ҳисоби қайд этилди. «Автомобилист» — «Торпедо» (Ярославль) ўйини 3:2 ҳисобида тугади. «Химик» — СКА учрашувида майдон эгалари 6:4 ҳисобида зафар қўлдилар.

ФУТБОЛ:

ҲАМОН ПЕШҚАДАМ

Иккинчи лиганинг Ўзбекистон зонасида ўтказилган учрашувларда пешқадамлар ўйини мухлисларда яхши таассурот қолдирди. Фарғонанинг «Нефтяник» командаси «Ораз» майдонида ўйнаб (2:2), 39 очко билан пешқадамлик мавқеини мустаҳкамлади. «Косонсойчи» футболчилари «Колхозчи» майдонида имкониятни (1:3) бой беришган бўлса-да, 37 очко билан иккинчи бўлиб туришибди. «Соҳибкор» ва «Навбаҳор» коллективларида 35 тадан очко бор.

● *СССР Олий судида*

СУД МАЖЛИСИ БОШЛАНДИ

СССР Олий судининг ҳарбий коллегияси 5 сентябрь куни Ички ишлар министрлиги собиқ масъул ходимларининг жиноий ишини кўриб чиқишга киришди. Бу ходимлар айниқса катта миқдордаги пораҳўрликда ва хизмат мавқеидан ғаразли мақсадларда фойдаланишда айбланадилар.

Москвада, СССР Олий судининг Воровский кўчасида жойлашган биносида ўтаётган суд мажлисида СССР Олий судининг аъзоси, ҳарбий коллегия раисининг ўринбосари юстиция генерал-майори М. А. Маров раислик қилмоқда. Суд составида СССР Олий судининг халқ маслаҳатчилари генераллардан В. З. Жевагин, В. С. Сизов бор. СССР Бош прокурорининг ёрдамчиси юстиция катта маслаҳатчиси А. В. Сбоев давлат айбловчиси сифатида қатнашмоқда.

П. Б. Бегельман, Ж. Ж. Жамолов, Т. Х. Қаҳрамонов, Е. Маҳамаджонов, Х. Норбўтаев, М. С. Норов, С. З. Собиров, Ю. М. Чурбанов, Х. Х. Яҳёев қора курсида ўтиришибди.

Айбланувчилар Москва шаҳар адвокатлар коллегиясидан таклиф этган адвокатлар уларни ҳимоя қилмоқдалар.

Судланувчилар зарур ҳолларда таржимонларнинг хизматидан фойдаланишлари мумкин.

Очиқ суд мажлиси ўтмоқда. Залда гражданлар, жамоатчилик вакиллари, совет ва чет эл мухбирлари бор.

Айблов фикри ўқиб эшиттирила бошлади. Уни ўқиш бир неча кун давом этади.

В. ИТКИН,
(ТАСС махсус мухбири).

ШАҲАРДА БИРИНЧИ

✦ Урганч шаҳрида энг баланд иморат — тўққиз қаватли бино Қирғизёп канали бўйида қад кўтарди.

Унда 84 оила ҳовли тўйини ўтказди. Янги уйга кўчиб кирган шаҳарликлар бу ерда истиқомат қилиш учун барча коммунал-маиший қулайликлар яратилганлигини мамнуният билан таъкидлашди. Мазкур бино қурилишида Урганч уйсозлик комбинати тайёрлаган йирик панеллардан фойдаланилди.

З. ФОЗИЛОВ.

● *Врач огоҳлантиради*

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

Республикамизда ҳадемай пахта йиғим-терими бошланади. Ҳосилни эрта йиғиштириб олиш, терим машиналарининг ғўза қатор оралари равон юришини таъминлаш учун дефолиация ишлари ўтказилади. Эндиликда қатор юқори токсик таъсирга эга бўлган химикатларни ишлатиш қатъий ман этилган. Бироқ ҳозирча дефолиацияда қўлланишга рухсат этилган мавжуд химикатларни ҳам мутлақ зарарсиз деб айта олмаймиз. Шунинг учун хўжалик раҳбарлари, дефолиант билан ишловчи кишилар жуда катта масъулиятни ҳис қилган ҳолда ишлашлари талаб этилади.

Дефолиация учун ишлатиладиган химикатларнинг туридан қатъи назар самолёт билан дефолиация қилиш аҳоли пунктидан минг метр, трактор билан эса 300 метр масофада санитария ҳимоя зоналарига амал қилиш шарт. Балиқчилик хўжаликлари мавжуд территорияда эса ҳимоя зоналари 200 метрни ташкил этмоғи лозим. Дефолиантлар билан ишловчилар иш жараёнида ҳимоя воситаларидан (комбинезон, қўлқоп, кўзойнак, оёқ кийимлари) ва бошқа махсус ускуналардан тўла фойдаланган ҳолда иш режимига амал қилишлари зарур. Дефолиация ўтказиладиган жойларга доимо огоҳлантирувчи белгилар ўрнатилиши, бу ҳақда аҳолига олдиндан эслатишни унутмаслик керак. Жойлардаги санитария-эпидемиология станцияси ходимлари дефолиация ўтказиладиган ва заправка майдонларининг санитария аҳволини доимо назорат қилиб туришлари ҳамда санитария паспорти юритишлари мақсадга мувофиқдир.

Дефолиация ўтказиш вақтида шу майдонга яқин аҳоли пунктидаги бирор кишида лоҳаслик сезилса, дарҳол медицина ходимларига мурожаат этиш ҳар қандай хасталикнинг олди олинишига сабаб бўлади. Шунингдек, дефолиация ўтказилаётган хўжаликларда доимо район соғлиқни сақлаш муассасаларининг мутахассис шифокорлардан иборат бригадалари бўлишлари зарур. Шундагина дефолиациянинг бехатар ўтишини таъминлаган бўламиз.

Б. ЮСУПОВ,
Республика санитария-эпидемиология станцияси врачи.

«Кўнгилсиз манзаралар...» мақоласини ўқиб

ҚИШЛОҚ АЁЛИГА НИМА ЕТИШМАЙДИ

Газетамизнинг шу йил 10 август сонида босилган «Кўнгилсиз манзаралар» сарлавҳали мақолада хотин-қизларнинг жамиятда тутган ўрни, аёлнинг ўзи ва атрофдагилар билан боғлиқ муаммолар ҳақида фикр юритилган эди. Мақола газетхонларда қизиқиш уйғотди. Улар ўз фикр-мулоҳазаларини ёзиб юбормоқдалар. Қуйида ана шундай дил сўзларидан намуналар ўқийсиз.

Мақолани ўқиб чуқур ҳаяжонга тушдим. Ҳақиқатан ҳам қарашлар, тушунчалар, эскилик сарқитлари билан янгича анъаналар ўртасидаги кураш давом этяпти. Бу — қайта қуришга, одамларнинг инсофини, диёнатини, маданиятини, қолаверса, виждонини қайта қуришга дахлдор курашдир.

Яқинда дастурхон атрофида бутун оиламиз жамулжам бўлган пайтда кенжа ўғлим Оқилжон математикадан билимдонлигини акаопаларига намойиш қилмоқчи бўлди.

— Ҳаммамиз йигирма кишиэканмиз,— деди у қолибона оҳангда дастурхон атрофида ўтирганларни бирма-бир санаб чиққач.

— Санама, баракамиз учади,— дея унга пўписа қилган бўлди бувижони.

Менга эса биринчи синфда ўқийдиган ўғилчамнинг ҳисобдаги бу машқи бундан чорак аср муқаддам мана шу ҳовлига келин бўлиб тушган кезларимни эслатди. Ўшанда дастурхон атрофида қайнонам Норжонбуви, мен ва турмуш ўртоғим Эргаш акадан бошқа киши йўқ эди. Фронтда ҳалок бўлган қайнотамдан Норжонбувига қолган ягона нишона Эргаш ака эдилар.

— Гулчеҳрахон, сизни бошимга кўтариб юраман, фақат яккаю ягона фарзандимни ўнта қилиб қайтаринг менга,— дедилар қайнонам кўзларига ёш олиб.

Бутун ёшлиги лаънати уруш туфайли хазон бўлган онанинг илтижоси эди бу! Йиллар ўтар экан хонадонимизда болалар кулгиси тобора баралла янграй бошлади. Қайнонам эса қишлоқ аёлининг кундалик ҳаёт ташвишларини мен билан баҳам кўрдилар. Мен сигир соғсам, у киши тандирда нон ёпдилар, мен кир ювсам, у киши овқатга уриндилар, мен далага ишга чиқсам, у киши невараларига қарашдилар.

Мана энди оиламиз аъзолари сони Норжонбувининг невара ва чеваралари билан йигирма кишига етибди. Бу чорак асрлик аҳил ва тинч турмуш, қайнонам ва турмуш ўртоғимнинг менга мададлари, бахтли замонамиз нишонаси деб тушунаман.

Кўп болалик она бўлсам ҳам бирон кун жамоат ишлаб чиқаришидан қолганим йўқ. Баҳорда пилла қурти боқдим, ёзда далада кетмон чопдим, кузда пахта тердим. Мана, икки йил бўляптики, қишлоғимиз пахтакорлари мени бригада етакчиси қилиб сайлашди. Сайлов пайтида «аёл киши пахтачилик бригадасига раҳбарликни эплай олмайди» деган кишилар ҳам топилиб қолди. Дарҳақиқат, раҳбарликни эркак кишига бериладиган имтиёз деб ҳисоблайдиган кишилар бутун республикамизда бўлгани каби бизнинг колхозимизда ҳам тошилади. Шунинг учун ҳам хўжалигимизда мавжуд 28 та ишлаб чиқариш бригадасининг фақат иккитасига аёл киши бошчилик қилмоқда. Лекин бу икки бригада колхозда энг илғорлар қаторида.

Турғунлик йилларида бир томондан хотин-қизларнинг ишчанлик ва ташкилотчилик қобилиятини менсимаслик, иккинчи томондан уларнинг ҳаёт ташвишларини назарписанд қилмаслик, самарали меҳнатлари учун зарур социал шароитларни яратмаслик ҳаётимизда ёмон из қолдирди. Хотин-қизларимиз, болаларимизнинг касалмандликларига ҳам сабабчи мана шудир. Ўша йилларда раҳбарлар социал қурилишдаги етишмовчиликларни маблағ йўқлиги, қурилиш материаллари тақчиллиги, кадрлар камлиги билан ҳаспўшлашга уринишарди. Лекин ҳаммаси бу раҳбарларнинг инсофи, диёнати йўқлигига бориб тақалишини одамлар яхши билишарди.

Энди аҳвол ўзгарди. Раҳбарлик ишларига халқ тўғрисида чинакам ғамхўрлик қиладиган, хотин-қизлар ҳаёти ташвишларини тушунадиган кишилар кўтарилмоқда. Шу туфайли фақатгина бир йил ичида колхоз область ва район партия комитетларининг аъзолари, ташкилот ва муассаса раҳбарлари мутасадди қилиб қўйилган. Белгиланган социал программага асосан келгуси йили бутун куч ва маблағлар мактабгача тарбия болалар муассасаси тармоғини кенгайтиришга сафарбар этилади. Ҳар бир колхоз-совхоз олдига биттадан доимий боғча қуриш вазифаси қўйилган. Айни маҳалда уларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланмоқда.

Албатта, буларнинг ҳаммаси катта ишнинг бошланиши. Турмуш маданияти сонасидаги қайта қуриш иши йўлида тўғоноқ бўлаётган кишилар ҳам йўқ эмас. Буни исботлаш учун бир мисол келтирай. Ўтган ўқув йили арафасида қишлоғимизда янги мактаб биносининг фойдаланишга топширилгани ҳаммамизни хурсанд қилган эди. Аммо янги бино ўқувчиларнинг ҳаммасини бир сменалик машғулотга кўчиришга имкон бермади. Чунки, уни лойиҳаловчи ходимлар аҳолининг ўсиб бориш суръатини ҳисобга олишмаган эди. Мактаб синфхоналаридаги фойдали майдоннинг деярли ярми бўмбўш. Чунки, объект буюртмачиси бўлган область ижроия комитетининг капитал қурилиш бўлими уни зарур жиҳозлар билан таъмин этиш тўғрисида қайғурмади. Шинам спорт зали ҳам бўмбўш. Спорт инвентарлари сотиб олиш учун область марказидаги 7-магазинга ўтказилган маблағга ҳеч нарса харид қилиб бўлмади.

Мана шундай қилиб, айрим ижрочи ходимларнинг расмиятчилиги, қишлоқдаги социал муаммоларни ҳал қилишга иккинчи даражали вазифа деб қарашлари қилинган ишлар самарасини ҳам сусайтирмоқда. Бундан эса, қишлоқ хонадони, энг биринчи навбатда она ва бола жабр кўрмоқда.

Қишлоқ жойларда она ва бола шифохоналарининг умуман йўқлиги, педиатрлар, бошқа ихтисосдаги врачлар етишмаслиги, борларининг ҳам малакаси пастлиги кичкинтойлар ўртасида касалликлар камаймаётганлиги сабабларидан биридир. Дала шийпонлари, мактаблар, болалар боғчаларида тайёрланаётган таомларнинг сифати паст, бу мақсадларга гўшт, сут, мева ва сабзавот ҳамон етарли ажратилмаяпти.

Қишлоқдаги маданият муассасаларининг фаолиятида ҳам ишкаллик кўп. Кейинги пайтларда идеология ташкилотларининг куч-ғайрати билан хотин-қизлар ўртасида маданий тадбирлар ўтказиш анча кучайтирилган бўлса ҳам, аёлларнинг барча табақалари бу тадбирлар билан қамраб олинмаяпти. Жумладан, клубларда ташкил қилинаётган «Нафосат» оғзаки журналлари, «Балли, қизлар» конкурслари ва бошқа тадбирларда асосан қизлар ва ёш жувонлар иштирок қилишади. Учтўрт ва ундан зиёд фарзандлари бўлган оналар эса уйрўзғор юмушларидан ортмай, бундай тадбирларда қатнашмаяптилар. Хотин-қизлар кенгашлари аёлларнинг мана шу тоифаси билан иш олиб боришга кам эътибор бермоқда. Сирасини айтганда, колхоз ва қишлоқ Совети даражасидан паст бўғинларда бошланғич ташкилотлари бўлмаган хотин-қизлар кенгашлари бундай ишни олиб боришга ожизлик қилади. Вақолонки, болаларни соғлом тарбиялаш кўп жиҳатдан мана шу аёлларнинг қандай йўл тутишига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Хуллас, қишлоқ аёлининг ҳаёти соҳасида ҳали ҳал қилинмаган муаммолар жуда кўп. «Кўнгилсиз манзаралар» мақоласини ўқиб чиққач, камчиликларнинг сабаб ва оқибатларини нуфузли доирада чуқур муҳокама қилиш, қишлоқ аёлининг ҳаётини янада мазмунлаштиришнинг туб тадбирлари тўғрисида пухтароқ ўйлаб кўриш лозим, деган фикрга келдим.

Г. НАВРЎЗОВА,
Шофиркон районидаги Ленин номли колхоз бригада бошлиғи, КПСС XXVII съезди делегати.

● *Тингланг, томоша қилинг*

6 СЕНТЯБРЬ, СЕШАНБА

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — «Ёруғ зулматда ҳам нур сочади». Спектакль. 16.25 — Янгиликлар. 16.35— Қайта қуриш прожектори. 16.45 — Беш йиллик: ишлар ва одамлар. 17.20 — «Барбод этмаслик ҳуқуқи билан». Бадиий фильм. 18.35 — Чашмалар. 19.10 — Дунё воқеалари. 19.30 — Инсон ва қонун. 20.00 — Кинопублицистика: кеча, бугун, эртага. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — С. Рахманиновнинг барча симфониялари. 23.25 — Каскадёр. 23.35 — Дунё воқеалари.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Москва бўйлаб саёҳат. 9.35 — География. 10.05 — Француз тили. 11.05 — Илмий-оммабоп фильм. 11.35 — Музика. 11.55 — Ўрмонда куз. 12.05 — Француз тили. 12.55 — Янгиликлар. 13.05 — Табиат билан ҳамжиҳатликда. 13.45 — «Омега» варианти». Бадиий фильм. 1-серия. 18.35 — Янгиликлар. 18.45 — ...16 ёшгача ва ундан катталар. 19.30 — Ритмик гимнастика. 20.00 — Музикали киоск. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Ҳаракат хавфсизлиги учун. 20.50 — «Буревестник» ҳақида афсона». 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Узоқ бахтли умр». Бадиий фильм. 23.30 — Янгиликлар.

УзТВ-I. 15.00 — Фильм-концерт. 15.30 — «Кўнгироқли ёлғончи». Спектакль. 16.45 —Адабиёт. 17.20 — Ҳужжатли фильм. 17.30 — Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 18.00 — Янгиликлар. 18.10 — «Чегарадаги отишма». Бадиий фильм. 19.20 — Яна бир бор СПИД ҳақида. 20.00 — Ахборот. 20.20 — Телефильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Теримга шаймисиз, механизаторлар! 22.55 — Санъат усталари. 23.55 — Бугун оламда нима гап?

УзТВ-II. 19.30 — «Комиссар Берлахнинг сўнгги иши». Бадиий фильм. 21.10 — Ҳужжатли фильм. **Душанба.** 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Тормоз панд берганда». Бадиий фильм.

РАДИО

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Қўшиғимиз сизга армуғон. 9.30 — Дутордa артист З. Обидов чалади. 9.45 — Ўзбек тилини ўрганамиз. 12.10 — Ишчинома. 12.30 — Адабий ўқиш. 13.00 — Ўзбекистон чорвадори. 13.30 — В. Соловьев-Седой қўшиқлари. 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.30 — Болалар шеърияти радиокутубхонаси. 15.50 — Врач маслаҳати. 18.15 — Ҳамдўстлик мамлакатларида янгиланиш. 18.30 — Ўзбекистон санъат усталари ижро этади. 19.20 — Фонотекамиз хазинасидан. 19.50 — Халқаро кундалик. 21.00 — Қармоқ. 21.20 — Қишлоқ оқшомлари. 22.45 — Концерт. 23.00 — Оқшом тўлқинларида.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ
КАФЕДРАЛАР БЎЙИЧА
профессор-ўқитувчилар составидаги вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудирлар: КПСС тарихи (тарих фанлари кандидати), юқумли касалликлар (0,25 — медицина фанлари доктори);

доцентлар: илмий коммунизм, топоанатомия билан оператив хирургия, 1-даволаш факультети болалар касалликлари, 1-даволаш факультети хирургия касалликлари, 2-даволаш факультети поликлиника ўқуви ички касалликлари, биология (2), соғлиқни сақлашни ташкил қилиш билан социал гигиена (2), болалар ва ўсмирлар гигиенаси, 1-ортопедия стоматологияси, чет тиллари, нормал физиология, 3-ички касалликлар, 2-даволаш факультети теританосил касалликлари, болалар хирургияси, патологик физиология (2), санитария-гигиена факультети болалар касалликлари;

катта ўқитувчилар: биохимия, тайёрлов бўлимида жисмоний тарбия психиатрия, патологик анатомия, чет тиллари;

ўқитувчилар: фалсафа, чет эллик студентлар учун рус тили, тайёрлов факультетида химия;

ассистентлар: патологик физиология (2), топоанатомия билан оператив хирургия (3), биохимия (4), асаб касалликлари, суд медицинаси, 1 ва 2-даволаш факультети тери-таносил касалликлари (2), 1-даволаш факультети болалар касалликлари, 1 ва 2-даволаш факультетида умумий хирургия (2), 1-даволаш факультети ички касалликлар бўйича кириш курси, 2-ички касалликлар, гистология (2), фармакология (2), 2-даволаш факультетида нормаль анатомия (3), патологик анатомия (9), психиатрия (2), 2-даволаш факультети акушерлик-гинекология (2), микробиология (6), умумий гигиена (5), болалар юқумли касалликлари (2), профпатология, травматология ва ортопедия (2), санитария-гигиена факультети хирургия касалликлари, санитария-гигиена факультетларида ички касалликлари, санитария-гигиена факультети болалар касалликлари (1,5), эпидемиология (3), коммунал гигиена (5), меҳнат гигиенаси, болалар ва ўсмирлар гигиенаси (0,75), нормал физиология (5), болалар стоматологияси (7).

Конкурс муддати — 10 сентябргача.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700048, Тошкент шаҳри, К. Маркс кўчаси, 103-уй. Телефон: 67-74-97.

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ
вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Институтнинг илмий-тадқиқот сектори «Пахтачиликда химиялаштириш жараёнларини оптималлаштириш» тармоқ илмий-тадқиқот лабораторияси; «биолог» мутахассислиги бўйича **лаборатория мудири** (қишлоқ хўжалиги фанлари кандидати), «химик-органик» мутахассислиги бўйича **сектор мудири,** «химик-органик» (2), «Юқори молекулали бирикмалар» бўйича химик, «гидротехника-мелиорация», «полимерлар физика-химияси», «инженер механик» (3) мутахассисликлари бўйича **катта илмий ходимлар,** «химик-органик» «химик-технолог», «полимерлар физик-механиги», «мелиорация», «тупроқшунослик» мутахассисликлари бўйича **кичик илмий ходимлар;**

«Пахта йиғим-теримини механизациялашнинг юқори самарали воситаларини ишлаб чиқиш» тармоқ илмий-тадқиқот лабораторияси: **катта илмий ходимлар** (2), «инженер-механик» мутахассислиги бўйича **кичик илмий ходимлар** (2);

«Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши аппаратуралари датчикларини лойиҳалашни автоматлаштириш системаси учун физика-техника маълумотлари банкини ишлаб чиқиш» тармоқ илмий-тадқиқот лабораторияси: «электрон асбоблар» мутахассислиги бўйича **катта илмий ходимлар** (техника фанлари кандидати ва илмий даражасиз), инженер-электрик мутахассислиги бўйича **кичик илмий ходим;**

«Мелиорация ва қурилиш-йўл машиналари» тармоқ лабораторияси: «қишлоқ хўжалик техникасидан фойдаланиш, ремонт қилиш ва қайта тиклаш» мутахассислиги бўйича **катта илмий ходимлар,** техника фанлари кандидатлари (2), «инженер-механик» мутахассислиги бўйича **кичик илмий ходимлар** (6);

«Пахтачиликни химиялаштириш жараёнларини оптималлаштириш» проблематик илмий-тадқиқот лабораторияси: «органик химия», «полимерлар химияси», мутахассисликлари бўйича **катта илмий ходимлар** (2), «органик химия», «полимерлар химияси», «биология» мутахассисликлари бўйича **кичик илмий ходимлар** (3);

Ўрта Осиё шароитларида «гидротехника иншоотлари ва насос станциялари прогрессив конструкцияларини ишлаб чиқиш ва уларни эксплуатация қилиш пухталигини ошириш» тармоқ илмий-тадқиқот лабораторияси: «гидротехника қурилиши» мутахассислиги бўйича **катта илмий ходимлар** (2);

жорий қилиш ва техника-иқтисодий асослаш бўлими: «органик химия» мутахассислиги бўйича (пестицидлар соҳасида ихтисослашиш билан бирга) **катта илмий ходим.**

КОНКУРС МУДДАТИ — 11 СЕНТЯБРГАЧА.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй.

ТОШКЕНТ ҚОҒОЗ ФАБРИКАСИ

ҚУЙИДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ СОТИШ ИМКОНИЯТИГА ЭГА:

А-350 ГОСТ 3135-82 маркали, кенглиги 1025 мм.ли, томга ёпиладиган картон: ўрамининг оғирлиги 200 кг., 1 тоннасининг баҳоси — 340 сўм, картон маҳсулотларни ўрашга яроқлидир, шунингдек, уйни иссиқ сақлаш мақсадида полга ёпиш ва бошқа ишлаб чиқариш мақсадларида ҳам фойдаланиш мумкин;

асосан қоғоздан тайёрланадиган муқова материали — кенглиги 840 мм., оғирлиги — 350 кг. гача, ранги ҳар хил, 1м² материалнинг баҳоси — 62 тийин.

Адрес: 700005, Тошкент шаҳри, Куйбишев шоссеси, 23-уй. Телефонлар: 91-65-88, 91-65-95, 91-68-07.

КОРХОНАЛАР ВА КООПЕРАТИВЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ МОТОР ЗАВОДИ

1988—1989 йиллар учун

турли хил деталлар (корпус, автомат деталлар) **тайёрлаш, шунингдек гальваник қопламалар бўйича ишларни бажариш учун**

ШАРТНОМАЛАР ТУЗАДИ

Қуйидаги адресга мурожаат этилсин: 700091, Тошкент шаҳри, Оҳангарон шоссеси, 2-уй. Телефон: 90-61-71.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
(«Советский Узбекистан»)
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР
Издается на узбекском языке

Редакция адреси: 700083, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

Р. — 17657. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. А. — 204. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12